

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/08.05.2024A.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОИСОЕВ ИЗАТУЛЛО КЕНЖАЕВИЧ

ШИМОЛИЙ УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ВА ЗАМОНАВИЙ
АРХИТЕКТУРАСИГА ХОС АНЪАНАЛАРИ

18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш

АРХИТЕКТУРА фанлари доктори (DSc)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2025

**Архитектура фанлари доктори (Doctor of science)
диссертатсияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора наук (Doctor of Science) по архитектуре**

**Contents of abstract of doctor of science (DSc)
on architecture**

Шоисоев Изатулло Кенжаевич

Шимолий Уструшонанинг қадимги ва замонавий архитектурасига хос
анъаналари.....

3

Шоисоев Изатулло Кенжаевич

Традиции характерные для древней и современной архитектуры
Северной Уструшоны.....

Shoisoev Izatullo Kenjayevich

Traditions typical of the ancient and modern architecture of Northern
Ustrushona.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/08.05.2024A.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОИСОЕВ ИЗАТУЛЛО КЕНЖАЕВИЧ

**ШИМОЛИЙ УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ВА
ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАСИГА ХОС АНЪАНАЛАР**

18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш

АРХИТЕКТУРА фанлари доктори (DSc)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2022.2.DSc/A16 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) илмий кенгаш веб-саҳифасининг <http://www.taqu.uz/interaktiv-hizmatlar/taqu-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/122-ixtisoslashgan-kengashlar.html> ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Маматмусаев Тохир Шайдулович
архитектура фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳузуридаги PhD.03/08.05.2024.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил _____даги соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Янги шаҳар кўчаси, 9 уй. Катта мажлислар зали. Тел.: +99871 241-80-02, факс: +99871 241-80-02, www.taqu.uz; E-mail: devon@taqu.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100058, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси 9-уй. Тел.: +99855 508-02-89).

Диссертация автореферати 2025 йил ____ июл куни тарқатилди.
(2025 йил _____даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Б.А. Асқаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси техника фанлари доктори, профессор

Ш.С. Рейимбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, архитектура фанлари доктори, доцент

М.С.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, архитектура фанлари номзоди, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда халқаро майдонда тарихий шаҳар ёдгорликлари архитектурасини асраш, таъмирлаш ва сақлаш ҳудуднинг туризм имкониятларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда маданий ҳамда архитектуравий меросни ҳимоя қилишнинг самарали йўллари ахтариш, тарихий шаҳарларни муҳофаза қилиш ва улардан туризм соҳасида кенг фойдаланиш долзарб тус олмоқда. Бу борада илғор мамлакатларда соҳада инновацион технологиялар ёрдамида ёдгорликларни музейлаштириш, уларнинг виртуал моделларини яратиш жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Мавжуд архитектура обидаларини таъмирлаш, археологик ёдгорликларни сақлаш, консервациялаш ва қайта тиклаш зарурати жаҳон олимларининг диққат эътиборида эканлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон миқёсида тарихий шаҳарлар эволюцияси тараққиёти шаклланиш жараёнлари ва улар таркибидаги меъморий ёдгорликларнинг тараққиёт босқичлари, улардаги тархий тизимларни аниқлаш ва сақлаш, консервациялаш ва модернизациялашга бағишланган илмий тадқиқотларда шаҳарларнинг режавий тузилиши ҳамда уларнинг типологиясини аниқлаш, ёдгорликлар муҳофаза зонасини белгилаш, тарихий шаҳарлар бўйича сайёҳлик маршрутларини ишлаб чиқиш, муҳандислик ва йўл инфраструктурасини такомиллаштириш масалалари қўйилмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш орқали қадимий шаҳарлар барқарорлигини таъминлаш, тарихий ҳудудларда сайёҳлик имкониятларини янада ошириш, меъморий ёдгорликлардан сифатли ва оқилона фойдаланиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда юртимиздаги тарихий-маданий мерос объектларини сақлаш, таъмирлаш ва муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Истиқлол йилларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Марғилон, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларнинг юбилейлари муносабати билан ҳудудлардаги шаҳарсозлик ва меъморчиликни янада такомиллаштириш, меъморий ёдгорликларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги муаммоларни бартараф этиш чоратадбирлари белгиланди. “Сирдарёнинг туризм салоҳияти, тарихий, маданий масканлари бошқа ҳудудларга нисбатан камдай туюлади. Бироқ, Сирдарёда ҳам мавжудларидан ташқари ҳали кашф этилмаган тарих сир-синоатларига бой манбалар сероб”¹. Бу борада Шимолий Уструшона (Мирзачўл) меъморчилигининг кейинги йиллардаги шаҳарсозлик санъатининг шаклланиши ва ривожланишида тутган ўрнини аниқлаш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПФ-135-сон “Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2019 йил 18 октябрдаги ПФ-881-сон “Моддий маданий мерос

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида вилоят фаоллари билан бўлган йиғилишдаги маърузаси. -2018. -13 апрель.

объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”, 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 июндаги ВМ-14/1-410-сон “Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Кўҳна Ховос тепалиги ва унинг атрофида жойлашган зиёратгоҳларни ободонлаштириш ва таъмирлаш ҳамда Сайхунобод туманидаги Нурота манзилгоҳини археолог ва тарихшунос олимлар томонидан ўрганилишини ташкил этиш, ҳудудларда туризм инфратузилмаларини барпо этиш масалаларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш тўғрисида”, 2022 йил 10 мартдаги 110-сон “2022 йилда туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 7 майдаги ВМ-380-сон “2019-2020 йилларда Сирдарё вилоятининг Ховос тумани янги марказини қуриш юзасидан амалий чора-тадбирларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизими ва уларни амалга ошириш йўллари” устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Тарихий шаҳарлар ва архитектура ёдгорликларини сақлаш, таъмирлаш ва уларни муҳофаза қилишга доир илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи бўлими UNESCO, Жаҳон меъморий ёдгорликлари ва ноёб ҳудудларни сақлаш кенгаши ICOMOS (Франция), Моддий меросни сақлаш ва таъмирлаш илмий тадқиқот маркази, ИССРОМ (Италия), Япония маданий меросини консервация ва реставрация қилиш илмий маркази (ЖСИС), Моддий маданий меросни тадқиқ қилиш миллий институти ПРИСТ (Япония), Буюк Хитой деворини сақлаш маркази (Хитой), Нардино Реставро таъмирлаш лабораторияси (Италия), Бау Хаус ва Посдам университетлари (Германия), Франциянинг СРАТерре ташкилоти, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги РАМАРО КОЛЛЕГЕ илмий маркази, Раймонд лемаире номидаги миллий марказ (Белгия), Бутунжаҳон маданий ва табиий меросини сақлаш Россия миллий қўмитаси қошидаги UNESCO кафедраси (Россия), UNESCO нинг МДХ давлатлари бўйича ташкилотлари олиб борилмоқда.

2 <http://whc.unesco.org/en.list> конференция_1954. Интернет материаллари: <http://www.touruz.narod.ru/khiva>, <http://www.mail.ru/khiva> Рекомендации, одобренная в докладе Комиссии по программе II на ее 34-м пленарном заседании 26 ноября 1976 года. ИК2017_нарушения и угрозы_UZ, Literature, F_1954.pdf. file://E:/Conservation_filencharter_ICOMOS Australia_2013 / The-Burra-Charter-2013-Adopted-31.10.2013. pdf.

Тарихий шаҳарлар ва архитектура ёдгорликлари бўйича маълумотлар тўплаш, уларни сақлаш ва қайта қуриш ишларига оид жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: тарихий шаҳарларни сақлаш, қайта қуриш ва улардан самарали фойдаланиш концепсияси яратилган (UNESCO), маданий мерос рўйхатига олинган тарихий шаҳарларда жойлашган ёдгорликларнинг муҳофаза зоналарини белгилаш бўйича концепсия ишлаб чиқилган (Раймонд лемаире миллий маркази, Белгия); археологик ёдгорликларни сақлаб қолиш бўйича ёпма конструкциялардан фойдаланиш тавсия этилган (НРИСТ, Япония); шаҳар муҳофаза деворларини таъмирлашда маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланиб модификацияланган гилдан фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган (Хитой деворини сақлаш маркази, Хитой); меъморий ёдгорликларнинг ер остки ва ер устки қисмларини замонавий қурилиш ашёлари (темирбетон, металл) билан таъмирлаш бўйича конструктив тадбирлар ишлаб чиқилган (Нардино Реставро таъмирлаш лабораторияси, Италия); меъморий обидаларнинг зилзилабардошлигини аниқлаш бўйича сейсмометрик канал ва магнит электрик тадқиқот усуллари такомиллаштирилган (Турин политехника университети ва ТАҚУ, Тошкент, Ўзбекистон).

Дунёда тарихий шаҳарларни ва архитектура ёдгорликларини сақлаш ва қайта қуриш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: тарихий шаҳарлар барқарорлигини таъминлашда тарихан шаклланган структурани сақлаб қолиш; қадимий архитектура ёдгорликларининг дастлабки кўринишларини график қайта тиклаш механизмларини яратиш; тарихий шаҳарлар ва меъморий ёдгорликларнинг жойлашган жойи, пайдо бўлиш вақти, худуди ва режавий ечими бўйича маълумотлар базасини яратиш; маданий мерос ёдгорликлари асосида Буюк Ипак йўли бўйлаб Олтин Ҳалқа сайёҳлик йўналиши инфраструктурасини такомиллаштириш; шаҳарларни қайта қуришда асрлар давомида шаклланган структура қийматини йўқотмаслик ва энг кам ўзгартиришлар киритиш бўйича сифатни таъминлаш; меъморий ёдгорликлар худудининг муҳофаза зонасини тиклашда ягона тизим яратиш; таъмирлашда анъанавий ёки уларга мос материал ва технологияларни қўллаш стандартларини белгилаш; архитектуравий безакларни таъмирлаш услубиятини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзу юзасидан кўплаб олимлар тадқиқотлар олиб борган. Археологлар А.А. Грицина, Б.Б. Тўйчибоев ва Ж.Ғофуровларнинг ишлари ушбу диссертация мавзусига нисбатан яқинроқдир. Энг йирик ва мукамал ёзилган ишлардан бири А.А. Грицина³ ва В.Ф. Караваев⁴ларнинг китоби ҳисобланиб, унда Уструшонанинг ўрта асрлар архитектура мероси, худуднинг ижтимоий ҳаётига биринчи марта эътибор қаратилган.

3 Грицина А.А. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. – начале XIII в н.э. (археолого-топографическое исследование). Кан.д.н. Автореферат. Самарканд. 1990.

4 Караваев В.Ф. Голодная степь в ее прошлом и настоящем. Пг., 1914.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида Мирзачўлнинг янги қисмида олиб борилган қурилиш фаолиятининг жуда кўплаб қирраларини очиб берган Б.Аминов⁵ ва Э.Гайибназаров⁶нинг монографияси, шунингдек А.А. Грицина⁷нинг Сирдарё вилоятининг археологик ёдгорликлари ва архитектурасига бағишлаб бажарилган диссертацияси ва жуда кўплаб илмий мақолалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу диссертацияси мавзусига доир ишларни олиб борган тадқиқотчилардан П.Д. Верещагин⁸, Р.С. Эгамбердиев⁹, Э.Ходжиев¹⁰, А.Абдунабиев, У.Алибеков, М.Массон, А.В. Кривошеин, М.В. Лавров, М.Х. Пардаев¹¹, В.В. Бартольд, А.Е. Бердимуродов, В.Ф. Гайдукевич, Г.В. Григорев, А.А. Грицина, Н.Н. Нематов¹², А.А. Зияев¹³, Т.Ф. Қодирова, Т.Маматмусаев¹⁴, Ш.Нурмухамедова¹⁵ларни келтириш мумкин. Т.Қодированинг монографиясида жуда кўплаб материаллар Сирдарё шаҳарсозлиги ва меъморчилигининг мустақиллик йиллари ва замонавий босқичлари таҳлиliga бағишланган.

М.Аҳмедов, М.Массон, Д.Нозилов, Г.Пугаченкова, О.Салимов, А.Уралов, М.Юсуповалар тарихий-меъморий мерос ва замонавий шаҳарлар муаммоларини ўрганишга ҳисса қўшган олимлардан ҳисобланади. Қадимги ва ўрта асрлар Сирдарё ҳудудини археологик нуқтаи назардан ўрганган олимлар қаторига Г.А. Аминов¹⁶, Т.В. Беляева^{17,18}, А.И. Билалов¹⁹, Ю.Ф. Буряков²⁰, Р.С. Муқимов²¹, Э.В. Ртвеладзе²², О.М. Салимов, С.М. Мамажонова²³, А.С. Уралов²⁴, Т.Ш. Ширинов²⁵ларни киритиш мумкин.

5 Аминов Б.Формирование населения Голодной степи (конец XIX – 60-е годы XX в.). Дис. кан.ист.н. Тошкент. 1970.

6 Гайибназаров Э. История развития Гулистана (60-70 –е годы). Дис. кан.ист.н. Тошкент. 1989.

7 Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. Ташкент. “Фан”. 1992.

8 Верещагин П.Д. Переселенческая политика царизма в Сыр-Дарьинской области Туркестанского края в годы столыпинской реакции. Кан.д.н. Автореферат. М.: 1951.

9 Эгамбердиев Р.С. Мирзачўл ўтмишда ва ҳозир. Тошкент. “Фан”. 1965.

10 Ходжиев Э. История орошения и освоения Голодной степи (1917-1980). Автореферат. Дис. док.и.н. Ташкент. 1982.

11 Пардаев М.Х. К археологическому изучению Джизакского оазиса. Археология Средней Азии. Ташкент. 1990.

12 Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннего средневековья. Сталинабад. 1957.

13 Зияев А.А. Фортификация Ташкента XIX века //Мозийдан садо. – Ташкент. – Т.,2009. - № 2.

14 Маматмусаев Т.Ш. Генезис и трансформация исторических городов Узбекистана. Дисс, доктора наук (DSc) по архит. –ТАСИ. 2019.

15 Нурмухамедова Ш.З. Закономерности и стилевые особенности архитектуры Узбекистана античного периода. Автореф. дисс. докт. (DSc) по архит. -ТАСИ. – Т.,2019.

16 Аминов Г.А. Джизако Чиназская Голодная степь и памятники бывшей в ней оседлости. // Туркестанские ведомости. 1873. №27.

17 Беляева Т.В. О работе Ленинабадского отряда в 1976 г. АРТ (1976), Вып. XVI, Душанбе, Дониш, 1982.

18 Беляева Т.В. Исследование Нуртепе в 1982 г. АРТ (1982), Вып. XXII, Душанбе, Дониш, 1990.

19 Билалов А.И. К истории орошения Уструшаны (бассейн Басмандасая). // ИАН Тадж. ССР. ООИ, 1973.

20 Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Античные памятники Северной Уструшаны. // ОНУ, 1989, №7.

21 Муқимов Р.С., Мамаджанова С.М., Муқимова С. Памятники культурного наследия верховьев Заравшана. Душанбе. 2022.

22 Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь Энциклопедический словарь Ташкент., 1999.

23 Мамаджанова С.М. Храм и мечеть Бунджиката на Калаи Кахкаха I. МКТ. 4-Душанбе. Дониш. 1987.

24 Уралов А.С. Гражданское зодчество средневековой Центральной Азии (общественные здания и сооружение). Автореф. дисс. Арх. фан. докт. -Т., 1998.

25 Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культуры эпохи бронзы юга Средней Азии: Автореф. дисс. докт. ист. наук. -М.МГУ.,1993.

Қадимги Сирдарё тарихи ҳақида маълумот берувчи қадимги юнон тарихчиси Аррианнинг “Искандарнинг ҳарбий юришлари” асари, Мирзачўл ўлкасидаги Эски Ховос, Нуртепа ёдгорликлари ҳақида маълумот берувчи Ибн Ҳавқалнинг “Китоб сура ал-ард (Ернинг сурати китоби)”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқа тарихий асарлар муҳим манбалар бўлиб хизмат қилади. Шимолий Уструшона ўлкаси тарихи, шаҳарлар тараққиётнинг у ёки бу жиҳатларига қаратилган кўплаб тадқиқотлар натижалари мақолалар, монографиялар, илмий оммабоп нашрлар ҳамда диссертатсиялар мисолида нашр этилган.

Бугунги кунда Сирдарё шаҳасозлиги ва меъморчилигини комплекс таҳлил қилган ҳолда, уларни замонавий талаблар асосида таъмирлаш, қайта қуриш ва модернизациялаш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича таклифлар берилмаганлиги ушбу мавзунини чуқурроқ ўрганиш кераклигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертатсия бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф.1-86 рақамли “Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш” (2011-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шимолий Уструшона тарихий шаҳарлари ва архитектура ёдгорликларининг вужудга келиш ҳамда тараққий этиш босқичларини археологик, ёзма, тарихий, илмий ҳамда архив манбалари асосида комплекс тарзда очиб бериш ва ушбу минтақанинг қадимги ва замонавий архитектураси хос анъаналарни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шимолий Уструшонанинг археологик ёдгорликларидан чиққан топилмалар, архив материалларини умумлаштириш ва маълумотларни тизимлаштириш;

Сирдарёнинг энг қадимги ва қадимги аҳоли пунктларини тадқиқ этиш ҳамда жойлашув тизимининг структуравий ўзгаришлар динамикасини ва алоҳида манзилгоҳдан кичик воҳага ўтишнинг режавий тузилишини аниқлаш;

тарихий шаҳарлар структурасини ўрганиш ва мавжуд архитектуравий ёдгорликларнинг типологиясини аниқлаш;

Кўҳна Эски Ховоснинг тузилмавий қисмлари – арк, шаҳристон ва рабодларнинг жойлашувини аниқлаш;

шаҳарнинг асосий таркибий қисмлари – муҳофаза иншоотлари, турар-жой даҳалари (маҳаллалар), кўчалар тизими, ирригация (ариқлар), маданий ва жамоат қурилмалари, савдо майдонларига тавсиф бериш;

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрларда Сирдарё вилоятининг янги қисми шаклланишининг режавий принципларини аниқлаш;

совет иттифоқи даври (1920-1980 йиллар)да Сирдарёнинг қайта қурилиш йўллари ва вилоятнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ этиш;

совет даври ҳукумати даврида Мирзачўл ҳудудида архитектура ва ирригация тадбирларининг ривожини очиқ бериш;

меъморий ёдгорликларнинг тарихи, архитектуравий композицияси, тузилиши, ёдгорликларда қўлланилган материаллар ва уларнинг ҳозирги ҳолати бўйича маълумотлар базасини яратиш;

ҳудудда жойлашган тарихий, меъморий ва ёдгорликларни сақлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сирдарёнинг шаҳарсозлик жиҳатидан таркибий қисмлари – турар-жой мавзелари, жамоат аҳамиятидаги ҳудудлар, кўча ва ирригация тизими, мудофаа иншоотлари, маъмурий бинолар ва мажмуалар, турар уйлар, савдо ва маданий аҳамиятга эга бинолар, тарихий-меъморий мажмуалар белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини қадимги даврдан ҳозирги вақтгача Шимолий Уструшона архитектураси ва шаҳарсозлигининг шаклланиши ва ривожланиш йўллари, шаҳарларнинг меъморий-режавий ечими ва қонуниятларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик, манбаларга асосланиш, архив материалларининг илмий-қийосий таҳлили, хронологик тизимли таҳлил, сўровнома ўтказиш, назария, таҳлил, фототофикация, ўлчов каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шимолий Уструшона ҳудудидаги қадимги ва ўрта асрларга мансуб Каттақиртепа (мил.авв. III-I а.а.) ва Қўштепа шаҳри (мил. авв. IV-I а.а.), Эски Ховос шаҳарчаси (мил.авв. II - мил. I а.а.) ва ҳудудидаги аҳоли турар-жойлари(Қўштепа, Қўштепа 1, Эски Ховос)нинг график қайта тиклаш тақлиф лойиҳалари архив маълумотлари асосида ишлаб чиқилган;

Шимолий Уструшона ҳудудида илк шаҳарлар милoddан аввалги VII асрларда вужудга кела бошлаганлиги, улар икки қисм (арк ва шаҳристон)дан иборат бўлганлиги (Нуртепа, Қўштепа 1, Каттақиртепа), ўрта асрларда шаҳарлар ҳудудий жиҳатдан кенгайиб уч қисмли (арк, шаҳристон ва рабод) (Қўштепа, Эски Ховос, Нурота “Хушкат”) тарзда таркиб топганлиги асосланган;

ўрганилаётган ҳудуддаги Қалиятепа ёдгорлиги (мил. авв. IV-XII, мил. XV—XVI а.а.) ва Жиззах ўрдаси (X аср), қадимги Саклар календари (мил. авв. IV – мил. I аср) шаҳарларининг ривожланиши юзасидан график қайта тиклаш тақлиф лойиҳалари архив маълумотлари асосида ишлаб чиқилган;

XX асрда Мирзачўлда олиб борилган ирригация ва ерларни ўзлаштирилиш жараёнлари 4 босқичда амалга оширилганлиги, жумладан: I босқич - 1897-1916 йиллар (ҳозирги Сирдарё, Сайхунобод, Гулистон ва Боёвут туманлари), II босқич - 1918-1929 йиллар (Янгиер шаҳри, Мирзаобод тумани), III босқич - 1939-1954 йиллар (Оқолтин ва Сардоба туманлари), IV босқич - 1956-1963 йиллар (Оқолтин тумани)да олиб борилганлиги аниқланган;

Мирзачўл худудида вужудга келган рус қишлоқларининг баъзилари темир йўл линияларини қўриқлаш (*Духовский-ҳозирги Гулистон шаҳри 1-2 мавзелари атрофи*) ва Буюк Князнинг отлиқ йилқиларини асраш (*Конно-гвардейский-ҳозирги Гулистон туманидаги Кўнчи қишлоғи*) сабаблари натижасида шаклланганлиги, худуддаги қолган қишлоқлар жойлашувига кўра темир йўл ёқасида (*Сир-Даринский-ҳозирги Сирдарё шаҳри худуди, Алексевский - ҳозирги Бахт шаҳри яқинидаги қишлоқ, Спасский- ҳозирги Гулистон шаҳри Дўстлик қўрғони, Духовский- ҳозирги Гулистон шаҳри 1-2 мавзелари атрофи*) ва Сирдарё бўйида (*Надежденский - ҳозирги Гулистон туманидаги Бешбулоқ қишлоғи, Николайевский - ҳозирги Бекобод туманидаги Ачамайли қишлоғи, Верхний Волинский – ҳозирги Сайхунобод тумани маркази бўлган Сайхун шаҳарчаси, Нижний Волинский – ҳозирги Сайхунобод тумани маркази бўлган Сайхун шаҳарчаси, Романовский – ҳозирги Гулистон туманидаги Дехқонобод шаҳарчаси, Обетованный – ҳозирги Сайхунобод тумани Гулистон қишлоғи, Стретенский – ҳозирги Бекобод туманидаги қишлоқ*) шаклланганлиги аниқланган;

Ўрганилаётган худудда шамолнинг кучли эсиши ва ёмғир йўналишининг шарқий тарафдан эканлиги сабабли яқка тартибдаги турар-уйлар асосан шарқий, жанубий-шарқий худудларга тескари ҳолатда қурилганлиги, кўп қаватли турар-уйлар қурилиши 1930 йилда Бекобод шаҳрида бошланганлиги асосланган;

Мирзачўлда Чор Россияси ва советлар даврида саноат, иқтисодий, энергетика шаҳарлари шаклланганлиги, жумладан 1890 йилда “Хилкова” саноат шаҳри (ҳозирги Бекобод шаҳри), 1907 йилда Сирдарё иқтисодий шаҳри, 1940 йилда Ширин энергетика шаҳарчаси вужудга келганлиги ва улар йиллар мобайнида кенгайиб борганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шимолий Уструшона худудининг энг қадимий ва қадимий аҳоли пунктлари жойлашув схемалари, аҳоли яшаш тизимининг тузилмавий ўзгариш динамикаси ишлаб чиқилган;

худуднинг ирригатсия ва йўл тармоқлари (шу жумладан, карвон йўллари) схемалари ва уларнинг воҳада йирикроқ аҳоли пунктларининг шаклланишига таъсири аниқланган;

айрим қишлоқларнинг ўрта асрдан бошлаб то XX аср бошигача бўлган шаҳарсозлик тузилмаси динамикасининг схемаси, шаҳар атрофидаги ерларни шаҳар қурилмаларига қўшиш йўллари кўрсатилган;

Сирдарёнинг асосий компонентлари – фортификация, турар-уй кварталлари (маҳаллалар), кўчалар тармоғи, ирригация (ҳовузлар), диний ва жамоат қурилмалари, савдо майдончалари режавий схемалари ва график реконструкциялари ишлаб чиқилган;

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Сирдарё янги шаҳар қисми шаклланишининг режавий тамойиллари ишлаб чиқилган;

Сирдарё (Мирзачўл)нинг собиқ совет иттифоқи даврида (1920-1980 йиллар) режавий қайта қурилиши ва унинг шаҳар ҳосил қилувчи бўғинлари схемалари аниқланган;

мустақиллик йилларида Сирдарёнинг асосий шаҳар ҳосил қилувчи бўғинлари, шунингдек энг йирик шаҳарсозлик ансамбллариининг режавий трансформацияси ва

шаҳарнинг тарихий-архитектуравий меросининг қайта ҳосил бўлиш жараёни схемалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда архитектура фанида тан олинган илмий ёндошув ва усуллар асосида бирламчи моддий маданият манбаларига бағишланган адабиётлардан фойдаланилганлиги, архив манбаларига эътибор берилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг илмийлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шаҳарсозлик тарихи соҳасида билимларни бойитиш ва ўқув жараёни материалларини, жумладан “Архитектура ёдгорликлари реконструкцияси ва реставрацияси” таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишда, моддий маданиятни ёритишда, олий ўқув юртлари ҳамда мутахассислар учун малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этиш учун фойдаланишда кенг имкониятлар яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Сирдарёнинг тарихий қисмини сақлаш, қайта қуриш ва модернизатсия қилиш бўйича ишлаб чиқиладиган лойиҳа ечимларининг сифатини оширишга ва ҳудуднинг замонавий интерпретациялашув жараёнларини такомиллаштиришга, шунингдек ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касбий савиясини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мирзачўл архитектурасининг вужудга келиш ва тараққий этиш жараёнлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Шимолий Уструшона ҳудудидаги Эски Ховос ёдгорлигининг илк ўрта асрлар даври ҳолатини график ва видеоролик шаклидаги комплекс ўрганилганлиги, илк ўрта асрлардаги аҳоли турар-жойлари ва қурилиш маданиятини тўлиқ қамраб олган комплекс тадқиқоти таклиф лойиҳалари Маданий мерос агентлиги томонидан объектларнинг реконструкция лойиҳаларини бажариш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 02-06/3925-сон маълумотномаси). Натижада тарихий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш, қайта тиклаш ва модернизациялаш лойиҳаларини бажариш имконияти ошган;

Уструшонанинг қадимги пойтахти Бунжикат шаҳридаги VII-VIII асрлардаги Тоштемиртепа турар-жойлари типологияси, ўрта асрлардаги X-XI асрларга тегишли Қорабулоқ аҳоли турар-жойлари ва Жиззах вилояти ҳудудидаги Эски Эсиз масжиди ва турар-жойларини тўлиқ қамраб олган комплекс тадқиқоти доирасида ишлаб чиқилган график реконструкция таклиф лойиҳалари маданий мерос агентлигининг лойиҳалаш фаолиятида амалиётга жорий этилган (Маданий мерос агентлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 02-06/3926-сон маълумотномаси). Натижада “Архитектура ёдгорликлари реконструкцияси ва реставрацияси” таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишда, моддий маданиятни ёритишда, олий

ўқув юртлари ҳамда мутахассислар учун малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этиш учун фойдаланишга эришилган.

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги “Эски Ховос” археологик ёдгорлигининг қадимги давр архитектураси ва Сардоба туманидаги “Оғочли сардоба” меъморий обидасини сақлаш ва таъмирлаш йўлларини такомиллаштириш, ҳамда амалиётга тадбиқ қилиш бўйича олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари, худуддаги турар-жойларнинг сўнги ўрта асрлар даври ҳолатини график тасвирлари, тарихий ёдгорликларнинг қурилиш маданиятини тўлиқ қамраб олган комплекс тадқиқоти натижалари “Абадият оралаб” кўрсатуви сценарийсини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадио-компаниясининг 2023 йил 19 июлдаги 02-06/3926-сон маълумотномаси). Натижада Сирдарё вилояти Маданий мерос объектлари бўйича бажарган комплекс тадқиқоти лойиҳа материаллари моддий маданиятни ёритишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 15 та илмий амалий конференция ва семинарларда, жумладан, 3 та халқаро конференция, 12 та республика конференцияларида 2 та ссопус тармоғи йўналишида апробатсиядан ўтказилган, шунингдек илмий иш Тошкент архитектура-қурилиш университетининг “Архитектура ёдгорликлари реставрацияси” кафедраси ва илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та мақола, жумладан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, 2 та хорижий журналда мақола, 2 та халқаро ва 7 та республика конференция материалларида мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, атамаларнинг изоҳли луғатидан иборат бўлиб, асосий матн 210 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган. Шунингдек, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Ундан ташқари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Қадимги ва ўрта асрларда Шимолий Уструшона архитектураси**” деб номланиб, Уструшонанинг кейинчалик, Мирзачўл минтақасида жойлашган, тарихий худудлардан бири бўлган Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг қадимий архитектураси,

шаҳарсозлигининг вужудга келиши ва тараққий этиш босқичлари кўриб чиқилган.

Бобнинг “Сирдарё воҳаси шаҳарсозлигининг вужудга келиши” деб номланган биринчи бўлимида қадимги Шимолий Уструшона шаҳарсозлигининг вужудга келиши, тараққий этиш жараёни бўйича сўз боради. Шимолий Уструшона (Сирдарё вилояти) Сирдарёнинг ўрта оқими чап қирғоғини егаллаган ҳудуд ҳисобланиб, ҳудуди географик жиҳатдан жанубдан шимоли-ғарбга томон пасайиб борадиган текисликлардан иборатдир. Унинг катта қисмини чўл (Мирзачўл) эгаллайди, шарқда эса Сирдарё (Силис) дарёси билан чегараланади. Тоғ-тоғолди, пасттекислик ва чўл зоналарнинг қўшилиб кетиши ҳудудининг ўзига хослигини ташкил этади. Шимолий Уструшона қулай географик ўрни сабабли ушбу ерларда қадимдан савдо-сотик тараққий этганлигини кўриш мумкин²⁶.

Ҳозирги Сирдарё номининг келиб чиқиши бўйича илк маълумотларни қадимги юнон тарихчиларининг асарларида Яхартес (Яксарт), баъзан Танаис, зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да Дану, Яоша, И аср Рим тарихчиси Плиний – дарёни скифлар (саклар) Силис дейдилар деб ёзгани, Олимларнинг баъзилари (В.В. Бартолд, С.Г. Кляшторний, Х.Ҳасанов) Силис – Сир сўзининг айнан ўз эканлигини, ўрта ва юқори оқимларида Яксарт, қуйи оқимида Силис (Сир) деб аталгани, X асрда ёзилган “Худуд ул-олам” кўлёмасида Хашарт, Руник туркей ёзувларда Енчуўгуз, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида ва Ҳамдаллоҳ Қазвийнинг “Нузҳат ал-қулуб” (Қалблар ҳузури 1339 йил) асарида Гулзарриюн, араблар келганидан кейинги кўпгина солномаларда Сайхун, IX аср араб географи Ибн Хордодбек асарларида Хишарт ёки Қанқар, Берунийда Хасарт шаклларида тилга олинганлигини, XIII-XIV асрларда Сирдарё етагида Жанд шаҳри яқинида Жўжихоннинг ўғиллари ва набираларининг ўрдаси Сирўрда деб аталганлиги келтирилган.²⁷ Кейинчалик аста – секинлик билан дарёнинг асосий номи Сирдарё деб юритилиб келинди. Сўнгги изланишлар натижасида Ўзбекистон урбанизатсияси, илк давлатчилиги ва қадимги маданияти ривожланган ҳудудларга яқин бўлган (Сўғд, Тошкент воҳаси ва Фарғонада) тарихий шаҳарлари каби Уструшона ҳудудида олиб борилган тадқиқотларда Эски Ховос ёдгорлигидан олинган топилмаларнинг ёши бундан 2500 йил эканлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон антик даври шаҳарсозлиги тарихини қуйидаги уч босқичга ажратиш таклиф қилинади:

1. Илк антик (Авесто даври) – мил.ав. IX – VI асрлар;
2. Ўрта антик (Бақтрия-Сўғдиёна шаҳарсозлиги) – мил.ав. IV-II асрлар;
3. Кечки антик (Кушонлар даври) – мил.авв. I – мил. IV асрлар.

Сўнгги бронза ва илк темир даври Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим бурилишлардан бири бўлган давр ҳисобланади. Айнан мана шу даврларда ушбу ҳудудларда шаҳар маданияти шакллана бошлаган.²⁸

26

27 Qorayev S. Toponomika. O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashryoti. 2006. 60 bet.

28 Маматмусаев Т.Ш. Генезис и трансформация исторических городов Узбекистана. Дисс, доктора наук (DSc) по архит. –ТАСИ. 2019.

Уструшона худудида ҳам бир қатор оқар сув манбалари мавжуд бўлиб, қадимий Уструшоналиклар мана шу оби ҳаёт ҳавзалари бўйида дастлабки маконларни умумлаштирган ҳолда урта тарихий географик худудга бўлиб кайд этиш мумкин:²⁹

1. Марказий Уструшона сув манбалари (Басмандасой, Каттасой, Шаҳристонсой, Нижонийсой, Қипчоқсой).

2. Шимолий Уструшона сув манбалари (Зоминсой, Хўжамушкенсой, Муғолсой, Тоғобсой, Сармиқсой, Шўрбулоксой, Жалойирсой, Пишағорсой).

Шимолий-ғарбий Уструшона сув манбалари (Сангзор дарёси, Қили, Оқбулок, Жарбулок, Сайхонсой, Кўрпасой, Равотсой, Осмонсой, Илончисой, Мажрумсой).

Тадқиқотчи А.А. Грицинанинг фикрича, Нуртепа маданияти Нуртепадан ташқари Хонтепа, Эски Ховос, Сағанактепа, Пастки Сағанак, Муғтепа ва Сирдарёнинг қирғоқларидаги қишлоқларда ҳам ўз аксини топган. Ҳозиргача вилоят худудида 10 га яқин аҳоли манзилгоҳлари аниқланган³⁰. Бундан ташқари Нуртепа маданиятининг айрим кўринишлари Бурғулук, Чуст (Фарғона) ва Эйлтон ёдгорликларидан олинган археологик материалларда ҳам кузатилади. Нуртепа маданиятининг характерли белгилари қуйидагилар³¹:

1. Ярим ертўла типдаги уй-жойлар ҳамда пахса ва хом ғиштлардан қурилган ҳашаматли иморатлар (арк, мудофаа иншоотлари) нинг биргаликда учраши;

2. Сополчиликда ушбу давр Ўрта Осиё сополчилиги учун хос бўлган ранг билан бўялган ва цилиндр шаклдаги сопол буюмларнинг учрамаслиги;

3. Қўлда ишланган сопол буюмларнинг чархда ишланганларига караганда кўпчиликни ташкил этиши.

Энг йирик ва ҳозиргача ўрганилаётган ёдгорлик, бу – кўхна Нуртепа шаҳри ҳисобланади. Унда қазилма ишлари шуни кўрсатадики, бу ерда македонлар келишидан аввал шаҳар типдаги манзилгоҳ шаклланиб бўлган. Чунки унда мудофаа иншоотлари, шинакли пахса деворлар, хўжалик аломатлари яққол кўзга ташланади. Манзилгоҳларда инсонлар ўзларини ёввойи ҳайвонлардан, ташқи душманлардан ҳимоя воситаси сифатида пахса деворларда шинакларни қўллаган ва бу орқали ўзларини ҳимоялаган. Бу эса қадимги Уструшонада ҳаёт қадимдан шаклланганлигини кўрсатади.

Мазкур бўлим бўйича археологик қазилмалар ва тарихий манбаларга юзлансак, Сирдарё воҳасида илк шаҳарсозлик анъаналири асосида вужудга келган Хонтепа, Эски Ховос, Сағанактепа, Пастки Сағанак, Муғтепа ва Сирдарёнинг қирғоқларидаги айрим қишлоқларни Нуртепа маданияти асосида вужудга келган деб хулоса қилиш мумкин.

Мазкур бобнинг “Сирдарё воҳаси архитектурасининг шаклланиши” деб номланган иккинчи бўлимида худудда архитектуранинг шаклланиши ва

29 Пардаев М.Х., Тўйчибоев Б.Б. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. (ёзма ва археологик манбалар асосида). Тошкент. 2016. 6-б.

30 Омонжулов Т. XIX аср ўртасида Мирзачўл воҳасининг этник ва ижтимоий-иқтисодий ҳолати. // Маҳорат кўзгуси. 2012.

31 Турдимухамматов М., Кўчқоров С. Уструшона буюк ипак йўлида, унинг минтақаларо сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (антик давр ва ўрта асрларда). Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Гулистон. 2016 йил. 15-16 апрель. Стр. 254.

ривожланиш жараёнлари, мудофаа девори, қалъалари, бўйича сўз боради. Сирдарё бўйидаги Уструшона ва Фарғона водийси туташган жойда мил. авв. VI-V асрларда яна бир аҳоли пункти – ҳозирги Хўжанд худудида пайдо бўлган³². Бу ерда мудофаа қалъалари ва деворлари қолдиқлари, шаҳар қурилиши қайд этилган. Кейинчалик бу шаҳар Искандар Зулқарнайн томонидан босиб олинди ва унинг ўрнида Грециянинг Искандария Эсхата шаҳри ташкил этилган эди. Қадимги Хўжанд ёдгорлигида ҳам кўхна Нуртепа ёдгорлиги архитектурасида бўлгани каби ўзгаришлар кузатилганлигини кўриш мумкин. Қадимги Хўжанд ёдгорлигининг ўзига хос пахса деворлари бўлиб, унинг юқори қисмига 50×40×13; 50×39×14; 57×37×12 см ўлчамли ғиштлар терилган.³³

Қалъанинг бошқа худудида олиб борилган қазилма ишларида бироз бошқача истехком учун баландлиги 2 метр, тош ва тупроқ аралашган (табiiй лёсс) ишлатилганлигини кўриш мумкин. Ушбу объектда ўлчамлари 46×26-28×13; 43×32×13; 42×32×15 см тўртбурчак шаклдаги хом ғиштлар ишлатилган. Нуртепа ёдгорлигида бўлгани каби баъзи ҳоналар узунлиги 5 м, ени 3,5 м бўлган.

Археолог олим А.А. Грицина Сирдарё вилоятининг археология ёдгорликларини топографик жиҳатдан икки минтақага бўлиш мумкинлигини қайд этади:

- шимоли-шарқий (Сирдарё бўйи);
- жануби-ғарбий (чўл ва тоғ етаклари) минтақаларига бўлиш мумкин³⁴.

Биринчи минтақага Мирзачўл ёдгорликларини қамраб олиб, иқтисодий жиҳатдан Тошкент минтақасига, муайян тарихий даврларда Чоч таркибига кирган эди.

Иккинчи минтақага, Уструшона минтақасининг ўзи бўлиб, жуғрофий жиҳатдан бу ерда бир неча гуруҳ ёдгорликлар мавжудлигини аниқлайди.

Нуртепа маданиятининг худуди Сирдарёнинг чап - “уструшона” қирғоғини қамраб олади. Ушбу худудларга Нуртепа шаҳар харобаси, Совет яқинидаги қишлоқ, Муғтепа (Ўратепа) шаҳар харобалари пастки қатламлари, Ширин ва кўплаб яқинда очилган Искандар Зулқарнайн кўшинлари ҳаракатлари йўналишидаги қишлоқ ва шаҳар харобалари, буларга: Каллахона, Уяз, Чифмайтепа, Мўлчоқтепа, Қизили қишлоғи яқинидаги Бахмал шаҳар харобаларини ўз ичига олади³⁵. Худуд жанубда Шаҳристонсой ҳавзаси (Оқтанги айвони), ғарбда еса Совет яқинидаги қишлоқ ва Эски Ховос харобалари билан чегараландилар. Маданиятни бирлаштирувчи ўзига хос белгилар³⁶:

32 Negmatov N.N., Belyaeva T.V., 1977; Belyaeva T.V., 1978; Belyaeva T.V., 1979; Negmatov N.N., 1981; Negmatov N.N., 1982

33

34 Содиқов М., Грицина А.А. Эски Ховос ва унга қўшни худудлар қадим ва ўрта асрларда. Самарқанд. 2010. 155-б.

35 Беляева, 1990, 78-80-бб.

36 Содиқов М., Грицина А.А. Эски Ховос ва унга қўшни худудлар қадим ва ўрта асрларда. Самарқанд. 2010. 61-б.

- ярим ертўла ҳамда пахса ва хом ғиштлардан қурилган маҳобатли иншоотлар уйғунлиги;

- чорвачилик;

- суғорма деҳқончилиқ;

- темирчилик;

- тўқимачилик;

- ёзув ва санъат буюмлари;

- маҳаллий Сак қабилаларининг Ахамонийлар салтанатининг янги кириб келаётган ғоявий мафкураси таъсири асосидаги ўзига хос мафкуравий дунёқарашлар ҳисобланади. Ушбу ҳудудлардаги сополлар мажмуасининг ўзига хослиги рангли бўялган идишларнинг йўқлиги, классик цилиндр-конуссимон шаклларнинг ҳамда оёқли идишларнинг йўқлиги ва шу билан бирга қўлда ишланган идишларининг кулол чархида ишланган идишлардан кўплиги кузатилади³⁷.

Хулоса қилиш мумкинки, юқорида келтирилган уч географик ҳудуддан ўрганилаётган Шимолий Уструшонада олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Каттақизтепа, Нурота шаҳар харобалари, Эски Ховос шаҳар харобалари, Нуртепа шаҳар харобалари, Беттасой Оқтепаси, Майтепа 1, Номсиз тепа 4 номли тепаликларда Ўрта Осиё қадимги ёдгорликларида кузатилган арк ва шаҳристон қисмларини кўриш мумкин. Ушбу ёдгорликлардан энг каттаси Нуртепа шаҳар харобалари бўлса, энг кичиги Номсиз тепа 4 ёдгорлиги эканлигини кўриш мумкин.

Биринчи бобнинг “Сирдарё воҳасининг ўрта асрлардаги шаҳарсозлиги ва меъморчилиги” деб номланган сўнгги бобида ҳудуднинг ўрта асрларда шаҳарсозлик ва архитектуранинг ривожланиши ва тараққиёт босқичлари бўйича сўз боради. Сирдарё вилоятида Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари сингари ўрта асрларда шаҳарсозлик ва архитектура ривожланганлигини кўшни ҳудудлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўриш мумкин. Тадқиқотчилар М.Х.Пардаев, Б.Б.Тўйчибоевларнинг фикрига кўра қадимий Уструшона ҳудудидаги дастлабки аҳоли маконларини умумлаштирган ҳолда учта тарихий географик ҳудудга ва сув манбаларига бўлганлигини кўриш мумкин.³⁸

1. Марказий Уструшона сув манбалари.

2. Шимолий Уструшона сув манбалари

3. Шимолий-ғарбий Уструшона сув манбалари.

Ўрта асрлар Сирдарё вилояти тарихи ва шаҳарсозлиги бўйича узук-юлук маълумотларни кўриш мумкин. Ушбу маълумотларни биз Хитой йилномалари, араб сайёхлари, Чор Россия даври маълумотларида учратиш мумкин. Ҳудуддаги энг машҳур ва қадимий ёдгорликларидан бири Эски Ховос Уструшона манзилгоҳларидан бири бўлиб, у амалда барча ИХ-Х асрлар йўл

37 Грицина А.А., 1990, 18-19-бб.; унинг ўзи, 1994, 31-б.; Буряков, Грицина, 1994, 64-65-бб.

38 Пардаев М.Х., Тўйчибоев Б.Б. Уструшонанинг илк ўрта аср кишлок маконлари. (ёзма ва археологик манбалар асосида). Тошкент. 2016. 6-б.

йўриқномаларида Сўғддан Уструшона орқали Чоч, Хўжанд, Фарғонага бориш ва қайтиш йўли манзили тарзида эслатилади.³⁹

Ўз вақтида “Ховос йўли”, “Бенакент йўллари” сайёҳлар орасида жуда машҳур бўлиб, бир-бири билан мустақкам боғлиқ бўлганлар. В.В. Бартолднинг таъкидлашича, Чирчиқ воҳасида (Тошкент вилояти) икки йўл: бири Ховосдан ва иккинчиси Дизакдан борган⁴⁰. Худди шундай Ховоснинг ўзидан ҳам икки йўл: бири анчайин қисқа, Мирзачўл орқали, ҳозирда Хушкет шаҳри деб талқин қилинаётган Сирдарё вилоятидаги Нурота шаҳар харобалари бўлса, бошқаси узоқроқ ва хавфсиз Сирдарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб борган⁴¹.

Ўрта асрларда Шимолий Уструшона худудида карвон йўлларининг ривожланиши билан бир қаторда, ҳар бир бекат қошида катта-кичик қишлоқлар (Ховос, Сават, Каттақиртепа ва Қўштепа) вужудга келганлигини, араб дини кириб келиши турли соҳаларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шунингдек, ўрта асрларда Уструшона худудида рустоқларнинг шаклланиши натижасида Шимолий Уструшона худудида Ховос, Сават, Зомин сингари рустоқлар шаклланганлиги маълумдир.

Баъзи маълумотларда келтирилишича Эски Ховос қалъаси ёнида эгизак иншоот – карвонсарой ҳам қад ростлайди⁴². Ҳозирда ушбу худудда Карвонсарой номи билан аталувчи жой номи ҳам мавжуддир. Ўлкашунос олим Примқул Дўстмуҳаммаднинг билдиришича, “Карвонсарой асосан Буюк Ипак йўлининг Мирзачўл орқали ўтган жанубий тармоғи устида бунёд этилган. Уструшона худудидан Буюк Ипак йўлининг ўтганилиги бир қанча шаҳарлар гуллаб-яшнаганлигини билиш мумкин. Ўрта асрларда бошқа худудларда бўлгани каби асосий жамоат бинолари пишган ғиштдан қурилган. Шаҳарнинг асосий кўчаларига тош ётқизилиб, йўл ёқаларининг икки тарафида хунармандлар устаҳоналари бўлганлигини билиш мумкин.

Хулоса қилиш мумкинки, Шимолий Уструшона худудида ўрта асрларда аҳоли қишлоқлари, турар-уй жойлари шаклланиши билан бир қаторда жамоат жойлари, ирригатсия тизимлари (Сирдарё, Эски Туятортар, Мирза Урумбой ариғи) ҳам шаклланганлиги, карвон йўл ёқаларида сардобалар (Етим сардоба, Мирзарабод сардоба, Оғочли сардоба) архитектураси ҳам шаклланганлигини кўриш мумкин. Шу билан бир қаторда сардобаларга ҳамоҳанг тарзда карвонсаройлар (Тўрткултепа, Карвонсарой, Мирзарабод карвонсаройи), шаҳар марказларида аҳоли сув тегирмонлари, кулолчилик дастгоҳлари орқали аҳоли ҳаёт кечирган деган хулосаларга келиш мумкин.

39 Хордадбех. Книга путей и стран. Перевод с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н. Велихановой. Баку, 1986. 64-б.; Истахри. Китаб Масалик ал-Мамалик // Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. М., 1973. 21-б.; Волин С.Л. Переводы Ибн Русте, Кудамы и других арабских географов. Рукопись. Архив ИВ РАН. Фонд 93. Оп. 1. Док. № 21. Л., 1959. 205-216-бб.; Грицина А.А., Пардаев М.Х. Археологическое изучение Кизилинского массива // Археологические работы на новостройках Узбекистана. Ташкент, 1990. 177-179 бб.; Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Связи Согда, Уструшаны, Чача на Великом шёлковом пути // ТД Международного симпозиума «Роль Истаравшана (Уратюбе) в истории народов цивилизации Центральной Азии». Душанбе, 2002. 2002, 89-91-бб.

40 Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Том 1. М., 1963. 227-б.

41 Грицина А.А. Уструшанские были. Ташкент, 2000. 214-223-бб.

42 Дўст Муҳаммад П. Қадимги Ховос қалъаси. Гулистон. 2007. 40-б.

Диссертациянинг 2 боби “Сўнгги ўрта асрларда Уструшона меъморчилиги” деб номланиб, унда Уструшона шаҳарларининг шаҳарсозлик ва меъморий жиҳатларининг ўзига хослиги таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг “Уструшона шаҳарларининг шаҳарсозлик ва меъморий жиҳатларининг ўзига хослиги” деб номланган биринчи бўлимда худуднинг сўнгги ўрта асрларда шаҳарсозлик ва архитектурасининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган. Уструшонада IX аср охири - X аср бошларида марказлашган Сомонийлар, кейинчалик Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий иқтисодий муносабатлари билан биргаликда моддий-маданиятида ҳам бир қатор ўзгаришларга сабаб бўлди. Жумладан, ушбу ўзгаришлар моддий-маданиятнинг бир кўриниши бўлган турар-жойлар архитектураси, ички структураси, қурилиш материаллари, унинг ички жиҳозлари ва улар билан боғлиқ бўлган расм - русумлар, урф-одатлар, диний эътиқодларда ўз аксини топган⁴³.

Уструшона худудида ўрта асрлардаги чегараси ҳозирги замонавий чегаралари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Жиззах, Сирдарё вилоятлари, қисман Тошкент вилоятининг Бекобод тумани, Тожикистон Республикаси Хўжанд (Лининобод) вилоятининг Пролетар (Хўжанд), Нов, Ўра-Тева, Шахристон, Айний туманлари, Қирғизистон Республикасининг Лайлак тумани худудларини ўз ичига олади.

Уструшонада давлатчиликнинг шаклланиши “нотинч давр” да юзага келган бўлсада, унинг кейинги босқичи илк ўрта асрлар (IV-VIII асрлар)га тўғри келади. Бу давр тўғрисида ёзма манбалар қисқа ва саёз маълумот берсаларда, археологларнинг ҳаракатлари боис бошқа даврларга нисбатан анча кенг ўрганилган. Илк ўрта асрлар “кўшк маданияти” даври ҳисобланиб, халқ асосан мустақкам кўшкларда яшаган, шаҳар манзилгоҳлари худудлари чекланган бўлган⁴⁴. «Уструшонада яшаган мағрур ва эркесвар халқнинг урф-одатлари, анъаналари ва удумлари асрлар мобайнида қарор топган. Милоддан олдинги I мингинчи йилларнинг ўрталарида Уструшона беҳисоб қишлоқлар ва қатта шаҳарлар мамлакатига айланган»⁴⁵. Бу ҳол Уструшона учун ҳам хос еди. Пойтахт маркази бўлмиш Бунджикат шаҳри худуди, 10 гектардан ошмаган. Тахминан шундай майдонга Сабат, Қўштепа шаҳар харобалари, Каттақиртепа харобалари ҳам эга эдилар⁴⁶. Айнан шу даврда илк бор ёзма манбаларда Уструшона ўз номи билан келтирилади. Энди ўлканинг ўз номи аниқ (Шуайдушана, Судуйшана, Судушина, Сутулисена) келтирилиб, унинг жуғрофий хусусиятлари берилади. Сюан-Дэсан, маълумотлари бўйича, мамлакат шимолида қатта қумлоқ, ўт-ўлансиз, сувсиз дашт табиийки, Мирзачўл бўлса, жанубида Боси (Туркистон тизмалари) тоғлари, унинг жанубий етакларида ҳукмдор турган⁴⁷.

Сўнгги ўрта асрларда Уструшона шаҳарларининг вужудга келиши ва уларнинг ички тизимлари бўйича бир қанча тадқиқот натижаларида юзага келди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, дастлаб Уструшона, сўнгги

43 Шоисоев И.К. Мирзачўл архитектурасининг вужудга келиш ва тараккий этиш жараёнлари. Архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ва автореферати. Тошкент. 2021. 61-б.

44 Beleniskiy, Bentovich, Bolshakov, 1973, 6-b.

45 Массон В.М. «Страна тысячи городов», Москва, "Наука", 1996.

46 Gritsina, 1992, 61-b.

47 Malyavkin, 1989, 68-b.

ўрта асрларнинг охирларида Мирзачўл, сўнгра мустақиллик йилларида Сирдарё ва Жиззах ҳудудларига бўлиниши натижасида кўплаб шаҳар ва шаҳарчалар юзага келган. Дастлабки тарихий Уструшона шаҳарларининг айримлари ҳозирги кунга қадар етиб келган, айримлари қайсидир сабаблага кўра йўқ бўлиб кетганлигини тарихий манбалар орқали билиш мумкин. Дастлаб тарихий шаҳарларнинг вужудга келишига сабаблари, шаҳарларнинг дастлабки ривожланишига омиллари бўйича бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрларини ўрганиб чиқсак.

Тарихий маълумотлар бўйича қадимги шаҳарлар тадқиқотчи олим Т.Ш.Маматмусаев⁴⁸ “тарихий шаҳарлар қадимги ва антик даврларда асосан консентрик, ўрта асрларда секторли ва XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб кўп ядроли тарзда ривожланган” деган фикрни илгари суради.

Мазкур бобнинг “Шаҳарлар ички тизимларининг таҳлили” деб номланган иккинчи бўлимида ҳудуддаги ривожланган шаҳарларнинг ички тизимлари таҳлил қилинганлигини кўриш мумкин. Ўрта Осиё халқлари тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар қадимдан ўрта асрларгача бўлган даврдаги урбанистик жараёнларнинг турли ривожланиш моделларини ишлаб чиққан. Академик Е.В.Ртвеладзе Бақтрия ва Тохаристонда урбанизатсия жараёнлари эволюциясини қуйидагича ажратади:

1. Бронза даврига мансуб қадимги урбанизатсиялашган манзилгоҳлар (мил.ав. II минг йиллик – мил.ав. I минг йилликнинг боши);

2. Илк темир даврида шаклланган шаҳарлар (мил.ав. I минг йилликнинг боши – мил.ав. IV аср);

3. Эллинистик – антик даврларда шаҳарларнинг ривожини (мил.ав. III аср – мил. III аср);

4. Ўтиш давридаги шаҳарлар (мил. III асрнинг 2-ярми – мил. Вакрнинг 1-ярми);

5. Янги илк феодал шаҳарлар (мил. III асрнинг 2-ярми – IX асрнинг боши).

Уструшона ҳудуди қадимдан муҳим географик ҳудуд бўлиб, бу ердан Сўғд, Чоч, Фарғонани боғловчи йўллар кесишмаси ўтган. Вилоят ҳудудидаги энг қадимги аҳоли манзилгоҳлари суғориш учун қулай бўлган дарё ва сой бўйларида пайдо бўлган. Дастлабки аҳоли вилоят ҳудудидаги Хўжамушкенсой, Шўрбулоқсой, Мўғолсой, Тоғобсой, Сармичсой, Сирдарё бўйларида истиқомат қилган. Археологик тадқиқотлар дастлабки деҳқончилик манзилгоҳлари Хўжамушкенсой ва Шўрбулоқсой бўйларида бундан 3000 йил олдин пайдо бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бу табиий, чунки юқоридаги сойлар серсув, уларнинг атрофидаги ерлар унумдор бўлган.

Шўрбулоқсой бўйида жойлашган ёдгорликлар ичида энг қадимгилари Эски Ховос ва Нуртепа ёдгорликлари ҳисобланади. Улар милoddан аввалги I минг йиллик ўрталарида қад кўтарган.

48 Маматмусаев Т.Ш. Генезис и трансформация исторических городов Узбекистана. Дисс, доктора наук (DSc) по архит. –ТАСИ. 2019. 12-б.

Сўнгги йилларда амалга оширилган археологик тадқиқотлар шаҳарлар ривожланишининг ягона структураси мавжуд бўлмаганлигини кўрсатган. Уч қисмли бўлиниш асосан Ўрта Осиёнинг илк шаҳарлари учун мос келмайди⁴⁹. Масалан, Самарқанд қадимда икки қисмли бўлган⁵⁰. Ҳиндистоннинг ҳам қадимги шаҳарлари – Хараппа, Мохенджо-Даро, Калибанган икки қисмли структурага: арк ва шаҳарнинг асосий қисмига эга бўлган⁵¹. Ушбу шаҳарлар сингари Шимолий Уструшона ҳудудидаги Нуртепа ёдгорлиги икки қалъа ва шаҳристон қисмларидан иборат бўлганлиги, ҳар бир қисмининг ўзига хос мустақкам муҳофаа деворлари мавжуд бўлганлиги кейинчалик аҳоли кенгайгани сабабли шаҳарнинг ташқи деворлари қурилганлигини кўриш мумкин.

Ҳозирги вақтда тарихчилар “шаҳар” тушунчасини аниқлаштиришда, турли хил меъзонлардан, яъни ҳудуднинг катта-кичиклиги, структураси ва бажарадиган функциясининг характериға кўпроқ урғу беришади. Шимолий Уструшона ҳудудидаги XIII аср араб сайёҳи Ёқутнинг ёзишича, “Ховос – Уструшонадаги қишлоқ” деб таърифлаганлигини кўриш мумкин.

Шу билан барча Уструшона ҳудудида рустоқларнинг шаклланганлигини илк ўрта асрларда кулолчилик санъати ривожланганлигини билиш мумкин. Шимолий Уструшона ҳудудидаги кўҳна Нурота ёдгорлигида олиб борилган тадқиқот ишларида топилган бўёқланган сопол идишлар унинг Шош билан алоқалари ривожланганлигидан далолат беради. Уларда Шош сополчилик мактабининг таъсири кўринади. Бундан ташқари, унда топилган нумизматик топилмалар Шошда чиқарилган деган хулосаланади.

“Уструшонада карвон йўллари ва ирригатсия тизимларининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган учинчи бўлимда ҳудуддан ўтган карвон йўллари ва ирригатсия тизимлари бўйича сўз боради.

Уструшона - Буюк Ипак йўли чорраҳасида. Қадимги Уструшона Ўзбекистоннинг тарихий минтақаларидан бири бўлиб, бу ерда илк темир давридаёқ ўзига хос маданият шаклланган, бу моддий ва маънавий соҳада узок тарихий анъаналарнинг бошланиши бўлиб, ҳозирги вақтда унинг изларини 2000-йилларда ҳам кузатиш мумкин⁵². У географик марказда, бир томондан, Сўғд ва Бактрия, иккинчи томондан, Чоч ва Фарғона ўртасида жойлашганлиги сабабли, улар ўртасидаги ва умуман Шимолий Ўрта Осиё бўйлаб ижтимоий-иқтисодий ва этник-маданий транзитда муҳим рўл ўйнади. Уструшона тарихи ва Буюк Ипак йўлида жойлашган ҳудудлари бўйича турли хил маълумотлар узук-юлуқ бўлиб келади. Уструшан ҳудудлари тарихи бўйича Квинт Куртиус Руф ва айниқса Флавий Аррианнинг асарлари энг катта аҳамиятга эга. Аррианнинг "Искандарнинг **юришлари**" асари кечикиб ёзилган бўлсада, у

49Белова Н.К. Проблема феодального города в Иране, Средней Азии и Закавказье в советской историографии. – “Город на традиционном Востоке”. Тезисы ГРЛВ. 1988. –С. 69.

50Литвинский Б.А. Древний среднеазиатский город (Местные традиции и иноземные модели). Древний Восток. – Города и Торговля (III-I тыс. до н.э.). -Ереван: 1973. –С. 107.

51Щетенко А.Я. Типы поселений древнеиндийской цивилизации. – Дрений город Средней Азии 1973, -С. 9.

52 Буряков Ю., Грицина А. Маверанахр на Великом Шелковом пути. Самарқанд. Бишкек. 2006. –стр. 90.

воқеалар замондошларининг асосий манбаларидан фойдаланган ҳолда воқеаларни изчил тасвирлайди⁵³.

Уструшона ҳақида араб географлари ва тарихчилари мўғуллардан олдинги энг тўлиқ ва батафсил маълумотларни беради. Тарихчи олим А.Кастане маълумотлари бўйича араб географи Аҳмад ал-Катиб китобида Уструшонани - "400 қалъа ва бир нечта йирик шаҳарларни ўз ичига олган кенгайтирилган ва муҳим мамлакат" деб таърифлайди⁵⁴. Уструшона билан боғлиқ бўлган кўплаб муаллифлар: IX аср географи ал-Ёқубий, IX асрда Белазурий, X аср географлари ат-Табарий, Кудам, ал-Истахрий, Ибн Ҳаукал, ал-Муқаддасий (ал-Мақдасий), X асрда муаллифи номаълум шахс томонидан ёзилган "Худуд ал-олам" кўлёмаси орқали, XI аср сайёхлари Байҳакий, Низом ал-Мулк, Гардизи, XII аср географлари ас-Саманий, XIII асрларда Исфандиёр, Ёқут, Ҳамави, Ибн ал-Асир ва бошқа олимларнинг тарихий, географик ёки сиёсий характердаги муҳим ва баъзан ноёб маълумотларни ўз ичига олган асарларни ажратиб кўрсатиш мумкин⁵⁵. Ушбу маълумотларни саёҳатлари давомида ўзлари тўплаган ёки ишончли манбалар орқали йиғишган.

Ўрта асрларда Буюк Ипак йўлида шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг жойлашувида, уларнинг бир ҳафталик йўл босиб ўтиши масофаси оралиғида пойтахт шаҳарлар жойлашганлигини кўрамиз⁵⁶.

Ёзма манбаларда келтирилган рустоқлар ва дунёнинг йирик шаҳарлари билан савдо ривожланиши карвон йўлларининг яхшиланишига туртки бўлди, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан фойдали иншоотлар – карвонсаройлар, тимлар ва сардобалар қурилишида худудда юксалиш даражаси кенгайганлигига олиб келди. IX асрда машҳур Уструшона ҳукмдори ал-Афшин томонидан бунёд етилган Худойсар карвонсаройи⁵⁷ шулардан биридир. Тадқиқотчи археолог А.Грицина маълум қилишича Уструшона худудида типологик жиҳатдан бу давр ёдгорликлари орасида шаҳарлар, кишлоқ аҳоли пунктлари, бинолар ва карвонсаройларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ташқи хусусиятлар ва археологик тадқиқотлар асосида шаҳар **посёлка**ларининг икки турини ажратади:

- ташқи истехкомли;
- истехкомсиз.

Биринчи турга Уструшонанинг тоғли қисмида жойлашган шаҳарлар киради. Бу турнинг энг ёрқин мисоли Уструшона пойтахти Бунжикат шаҳридир. Деворларнинг мавжудлиги ёзма манбалар томонидан тасдиқланган ва археологик жиҳатдан қайд этилган⁵⁸.

Буюк Ипак йўли тизимида жойлашган Сирдарё воҳасида турли соҳалар қатори меъморчилик соҳаси ҳам ўзига хос ривожланиш босқичига эга. Воҳанинг карвонлар ўтувчи жойларида сардоба, работ, карвонсарой, кўприк,

53 Sokolov, 1963, 9-10-betlar

54 Kastanye, 1915, 49-bet

55 Буряков Ю., Грицина А. Маверанахр на Великом Шелковом пути. Самарканд. Бишкек. 2006. –стр. 91.

56 Шоисоев И.К. Мирзачўл архитектурасининг вужудга келиш ва тараккий этиш жараёнлари. Арх.бўй.фал.д. диссертация ва автореферати. Тошкент. 2021. 38-б.

57 Материалы по истории киргизов и Киргизии, 1973, с. 27; Бетгер, 1957, с. 20

58 Буряков Ю., Грицина А. Маверанахр на Великом Шелковом пути. Самарканд. Бишкек. 2006. –стр. 93.

кудуклар каби иншоотлар йўл бўйи барпо этилган. Кейинги йилларда минтақа тарихини тиклаш борасида қадимги манзилгоҳларда таниқли археологларимиз томонидан кўплаб изланишлар олиб борилаётганлиги таҳсинга сазовордир. Археологик тадқиқотлар натижасида воҳанинг йўл бўйи барпо этилган иншоотлари ҳақида қимматли маълумотлар қўлга киритилиши натижасида тарихий манзилгоҳлар қиёфаси очилмоқда. Ўрта аср муаллифлари Истаҳрий ва ибн Ҳавқал асарларида воҳада жойлашган карвонсаройлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Жумладан, Жиззах шаҳридан 1-2 фарсах масофа узоқликда Уструшона афшини Ковуснинг ўғли, валиаҳд Ҳайдар ал-Афшин ташаббуси билан IX асрнинг биринчи чорагида бунёд этилган Худайсар работи жойлашган. Ал-Истаҳрий таъкидлашича “ ... ушбу работ сингари ёғийлар юртига жуда яқин жойда қурилган бошқа бирорта работ йўқдир”⁵⁹. 1975-йилда Жиззах воҳаси археология ёдгорликлари мажмуасини тузиш бўйича қидирув тадқиқотлари ўтказган Ў.Алимов Худайсарни Жиззах воҳасининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган Кўкрават ёдгорлиги ўрнида бўлган, деб таъкидлайди⁶⁰. Ўрта аср муаллифлари асарларида Ҳасан работи номи билан қайд этилган навбатдаги карвонсарой X асрда Бадр Қушайр исмли шахс томонидан Жиззах шаҳрида ёки шаҳарга анча яқин жойда, Абу Аҳмад работи ҳамда Катвондиз Суғд ва Уструшонанинг чегарасида қурилгани баён этилган.

Буюк Ипак йўлида жойлашган Уструшона худудида карвонлар учун турли карвонсаройлар сақланиб қолинганлиги тарихчи ва археологлар томонидан бизга фақат ёзма манбалар асосида етиб келган. Афсуски уларнинг ҳеч бири сақланиб қолинмаганлигини кўриш мумкин. Шундай карвонсаройлардан бири Худайсар работи, Тўрткултепа, Карвонсарой сингари карвонсаройларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Тўрткултепа карвонсаройида олиб борилган дастлабки тадқиқотлар ва қазилмалар нафақат унинг функционал мақсадини тасдиқлади, балки бир қатор хусусиятларни ҳам очиқ беради. Карвонсаройнинг ўлчамлари 106 x 106 м⁶¹ бўлиб, улар Моворауннаҳрда маълум бўлган барча турдаги иншоотлардан ошиб кетади. Ташқи деворларнинг қалинлиги аниқ муодофаа йўналиши бўлгани каби карвонсаройлар учун ўзига хосдир - тахминан 4 метрдир.

Сирдарё ва Жиззах воҳасининг карвонсаройлар қурилиш лойиҳаси одатда бир хил кўринишда бўлган, мустақкам тўрт девор яъни ўртасида ҳовлининг атрофи бир, икки қаватли ҳужралар билан ўралган, ҳарбий минорали қалъабанд кўринишдаги истехком - иншоот бўлган. Таъкидлаш ўринлики, вақт ўтиши билан работлар - ғозийлар қароргоҳига эҳтиёж қолмаган. Бунга сабаб, Мовароуннаҳрда ислом дини қатъий қарор топган, марказлашган қудратли давлатлар таъсирида, хусусан Сомонийлар давридан бошлаб ўтроқ ва кўчманчилар ўртасида барқарор ҳолат юзага келган ва шу сабабли, работлар карвонсаройларга айлантирилган⁶².

59 Материалы по истории киргизов и киргизы. 1973. С. 27.

60 Алимов У. Отчёт Джизакского археологического отряда по составлению свода археологических памятников. – Самарканд, 1976. 2 б.

61 Буряков Ю., Грицина А. Маверанахр на Великом Шелковом пути. Самарканд. Бишкек. 2006. –стр. 147.

62 Пардаев М. Ҳ., Гофуров Ж. И. Маразий Осиё - Буюк Ипак йўли тизимида (қадим ва ўрта асрлар).- Тошкент, 2021. 88 б.

Буюк ипак йўлида жойлашган тарихий шаҳарлардан бири бўлган Уструшона ҳудуди бўйича бир қанча қарашлар мавжуддир. Академик В.В. Бартолд Самарқанддан Уструшона ҳудуди орқали Хўжандга ўтувчи йўлни қарвонлар 8 кунда босиб ўтишганлиги бўйича ўз фикрларини билдиради⁶³. Уструшона ҳудуди тарихий қарвон йўлида жойлашган чўл ҳудуд бўлгани билан бир қаторда ўрта асрларда кўплаб суғориш тизимларига, сардоба ва қарвонсаройлар ўлкаси ҳам ҳисобланган. Шимолий ва шимолий-ғарбий Уструшона ҳудудида катта-катта қишлоқ аҳоли турар-жойларининг вужудга келишига албатта ҳудуддаги ирригация тизимларининг ривожланганлиги ва Буюк ипак йўлида қарвонсарой, сардобаларнинг вужудга келишига сабаб бўлганлигини кўриш мумкин. Шундай суғориш тизимларидан баъзи бирларига⁶⁴ жадвали асосида тўхталиб ўтамиз:

Сирдарё. Сирдарё - Ўрта Осиёдаги энг узун ва Амударёдан кейинги энг серсув дарё ҳисобланади. Ўзбекистондаги энг катта икки дарёлардан бири Сирдарё Ўзбекистоннинг шимолий чегарасидан оқиб ўтади.

| № | Irrigatsiya nomi | Vujudga kelish davri | Uzunligi (kattaligi) | Qurilish qorishmasining nomi | | |
|----|------------------------------|--|----------------------|------------------------------|---------------|-----|
| | | | | Ohak | O'simlik kuli | Qum |
| 1. | Sirdaryo daryosi | Mil.avv. II asr | 2 272 km | - | - | - |
| 2. | Eski Tuyatortar arig'i | Mil.avv. III asr | 108,2 km | - | - | - |
| 3. | Qadimgi Mirza Urumboy arig'i | XII asr | 113,8 km | - | - | - |
| 4. | Honbandi to'g'oni | X asr | 50 m | 50 | - | 50 |
| 5. | Og'ochli sardoba | XVI asr | - | 50 | 20 | 30 |
| 6. | Mirzarabod sardoba | XVI asr | - | 50 | 20 | 30 |
| 7. | Yakka sardoba | XVI asr | - | 50 | 20 | 30 |
| 8. | Do'stlik "Romanov" kanali | 1891 yilda qurilishi boshlangan 1913 yilda ishga tushirilgan | 116 km | - | - | - |

Географик жойлашувига кўра Ўзбекистон Республикаси Фарғона водийсининг шарқий чеккасида, Балиқчи қишлоғи ёнидан Норин дарёси билан Қорадарё кўшилган жойдан Сирдарё ўзани бошланади. Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сирдарё вилоятлари, Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти ва Қозоғистон Республикасининг Жан. Қозоғистон ва Кизилўрда вилоятлари бўйлаб аввал ғарб, жануби-ғарб томон, сўнгра эса шимолий, шимолий - ғарбга оқиб бориб, Орол денгизига қуйилади⁶⁵.

Уструшона ҳудудини сув манбаи билан таъминлаган асосий дарё - бу Сирдарёдир. Ушбу дарёнинг тарихи бўйича бир қанча илмий қарашлар мавжуд. Юнонлар томонидан Яхартес

63 Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. в. 9 томах. –М. Изд-во восточной литературы. 1963. Т-1. –стр. 222-223.

64 Шоисоев И.К. Мирзачўл архитектурасининг вужудга келиш ва тараккий этиш жараёнлари. Арх.бўй.фал.д. диссертация ва автореферати. Тошкент. 2021. Иловалардан.

65 <https://uz.wikipedia.org/wiki/Sirdaryo>

(Яксарт) тарзида етказилган Плинийнинг маълумотига кўра, дарёни бақтрияликлар Лаксат (Яксарт), скифлар Силис деб аташган. Милодий II аср Клавдий Птолемейнинг “Географиядан қўлланма” асарида ёзишича, Яксарт дарёси соҳиллари яқинида яксартлар деган катта қабила яшаган **66**.

Эски Туятортар ариғи. Тарихий маълумотлар асосида Эски Туятортар ариғи - Зарафшон дарёсининг бир ирмоғи ва қадимги ариқ ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб ариқнинг узунлиги 108,2 км, ^{сув} ўтказиш имконияти 50 м³/сек. Мирзачўл (Уструшона)ни суғориш учун қазилган дастлабки каналлардан биридир**67**. Эски Туятортар ариғи ^{милод}ий бошларида қазилган бўлиб, VI-VIII асрларда ўзаро урушлар натижасида ва ^{араблар} истилоси даврида вайрон бўлган. Эски Туятортар ариғи бўйича тарихий маълумотлар мавжуд эмас. Шундай бўлсада тарихчи В.Л. Вяткиннинг ёзишича, Эски Туятортар ариғи ҳозирги йирик, Яниқўрғон қишлоғидан 4 верст ғарбда жойлашганлиги, XVI асрларда ҳам бу ариқ тўғрисида маълумотлар келмаганлигини билдиради**68**. XVI асрларда Эски Туятортар ўзанлари кенгайтирилганлиги ва мўл суви сабабли ўша ҳудуддаги Туятортар, Дўсмаат, Қаратош сингари манзилгоҳлардаги аҳоли томонидан истеъмол қилинганлигини маълум қилади.

Урумбой ўғуз. X асрда Сирдарёнинг сўл қирғоғида Ўримбой-Мирза (Оғуз) канал бўлганлиги ҳақида маълумот бор. XII-XV асрларда Сирдарёдан қирғоқ бўйи ерларига чиқарилган каналларнинг излари ҳозиргача ҳам сақланиб қолган**69**. Тадқиқотчи С.Қудратовнинг фикрига кўра, Уструшона ҳудудидаги тарихий ва қадимги суғориш тармоқларидан бўлган Урумбой ўғуз ариғи ҳозирги Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Спитамен тумани, Қўш-тегирмон қишлоғи яқинида Сирдарёдан сув олган. Ушбу ариқнинг излари ҳозирги Гулистон туманидаги “Боёвут”, “Уч-қахрамон” қишлоғи ҳудудларида сақланиб қолинган. Бу ердаги ёши улуг инсонларнинг хотирлашларича, ариқ тахминан ҳозирги Дўстлик канали бўйлаб ғарбга қараб, Мирзачўлнинг ичкарисига сув берган. Унинг ёрдамида 7000 гектар ернинг суғорилиши мўлжалланган. Ривоятларда айтилишича, ҳозирги Сардоба туманидаги XVI асрга оид “Ёғочли” сардоба ёдгорлиги ҳам Ўринбой ариқ ёрдамида сув билан тўлдирилган**70**.

Якка сардоба. Чиноздан 40 км жанубда, ҳозирги Қозоғистон Республикасининг “Славянка” манзилгоҳи яқинида бўлган. Ушбу сардоба “Яккасарой” деб номланган⁷¹. Ҳозирда сардобанинг бунёд етилган ўрни ўзлаштирилган. Ушбу сардоба тўғрисидаги маълумотларни дастлаб рус сайёҳи Л.Ф. Костенко, ўз эсдаликларида ёзиб қолдирган. Ҳозир бу ноёб иншоот бузилиб кетганлиги учун фақатгина ёзма маълумотларга асосланиш мумкин. Л.Костенконинг маълумотларига кўра, сардоба ярим шар шаклидаги кўринишга ега бўлиб, девор қисми ва гумбази квадрат шаклидаги пишиқ ғиштлардан бунёд қилинган. Девор қисми ер сатҳидан бошланган бўлиб, унинг қалинлиги 1,5 м га деворнинг ер сатҳидан умумий баландлиги 7 м га, сардобанинг ички диаметри 15,8 м га тенг. Сардобанинг ён томонидан равоқсимон еттита деразаси бор эканлиги қайд қилинган. Ҳовуз атрофи сифатли пишиқ квадрат ғиштлардан терилган бўлиб,

66 Ибн Хордадбех, 178.; Marquart, Die Chronologic, S. Вероятно, следует читать не Jachschart, как полагает Маркварт, а Chaschart, как в рукописи Туманского <Худуд ал-'алам>, л. 246.; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. в. 9 томах. –М. Изд-во восточной литературы. 1963. Т-1. –стр. 210.

67 <https://qomus.info/encyclopedia/cat-e/eski-tuyatortar-kanali-uz/>

68 Вяткин, Материалы, стр. 67.

69 Шоисоев И.К. Мирзачўл архитектурасининг вужудга келиш ва тараккий этиш жараёнлари. Арх.бўй.фал.д. диссертация ва автореферати. Тошкент. 2021. 72-б.

70 Қудратов С., Маъруфов Ш. Мирзачўлдаги қадимги сув иншоотлари. Ўтмишга назар. 4 жилд. 11 сон. Тошкент. 2021. 99 б.

71 Қудратов С., Маъруфов Ш. Мирзачўлдаги қадимги сув иншоотлари. Ўтмишга назар. 4 жилд. 11 сон. Тошкент. 2021. 99-б.

чуқурлиги 2 м га тенг. Сардоба гумбазининг юқори қисмида туйнуқлар, пастки қисмида еса ҳовузга сув тушадиган “қулфак” тешиқлар қолдирилган. Ҳовузга сув Сирдарёдан сунъий суғориш шаҳобчалари орқали олиб келинганлиги аниқланган⁷². Чиноздан 40 км., жанубда, ҳозирги Қозоғистон Республикасининг “Славянка” манзилгоҳи яқинида бўлган. Ушбу сардоба “Яккасарой” деб номланган.

Мирзарабод сардоба. Яккасаройдан 13 км жанубда, Оқолтин туманига қарашли Мирзақишлоқ яқинида бўлган. Ушбу сардоба “Мирзасардоба” деб аталиб, унинг яқинида қарвонсарой ҳам бўлган. Ушбу қарвонсарой “Мирзарабод” деб номланган. Тарихчи М.Е. Массон ўз китобида Сирдарё-Тошкент ва Жиззах-Чиноз ўртасидаги чўлдаги сардобалар ҳақида ҳам қимматли фикрлар билдирган. “Хўжанд трактида Буюк Ипак йўлининг учта бекати бўлган: “Чуқурбекат ёки Уралская, Жонбулоқ ва Мирзарабоддир”. Уларнинг барчаси аста секин йўқ бўлиб кетган ва А.П. Хорошхиннинг “Туркистон албомининг археология бўлимининг 13/2 қисмида Хўжанд яқинидаги Мирзарабод харобалари” деб номланган китобида фотосуратлар орқали бирон бир фикрга эга бўлиш мумкин⁷³.

Оғочли сардоба. Сирдарё вилояти Сардоба тумани Гумбаз қишлоғидаги “Мирзасардоба”дан 30 км жанубда, Жиззахдан 35 км шимолда Оғочли сардоба жойлашган. Ушбу сардоба XIX аср тарихчилари асарларида “Ёғочли (рус олимлари “Агачли” деб ёзишади) сардобаси” деб юритилади. Яхши сақланган ушбу меъморий иншоат вилоят ҳудудидаги аждодларимиздан бизга етиб келган энг қадимги обида ҳисобланади. Шу сабабли ҳам уни ўрганиш биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Милоддан аввалги II асрда пайдо бўлган, инсоният тарихидаги энг қадимги қитъалараро, немис олими Рихтгофен томонидан “Буюк ипак йўли” деб номланган савдо йўли кишилиқ тарихида муҳим ўрин тутади. “Ёғочли” сардобасининг қачон ва ким томонидан қурилганлиги тўғрисида турли ривоятлар мавжуд. XIX асрда сардоба атрофида яшаган аҳоли орасида ушбу ёдгорлик Амир Темур буйруғи билан қурилганлиги, унинг қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари (ғишт, алебастр)ни ёнма-ён турган одамлар қўлма-қўл қилишиб, Самарқанддан ташиб келтирилганликлари, сардоба ҳовузи эса соҳибқироннинг фармони билан қурилган, Сирдарёдан сув олувчи, Ўринбой ариқ ёрдамида тўлдирилганлиги ҳақида ривоятлар юрган.

Уструшона ҳудудидаги энг қадимги ирригация тизимларига Сирдарё дарёси, Эски Туятортар ва қадимги Мирза Урумбой ариқлари ва улардан чиққан ирмоқларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Ўрта асрларга келиб сардобалар қурилганлиги ва улар қарвонлар сингари ён атрофдаги аҳолини ҳам сув билан таъминлаган деган хулосаларга келиш мумкин.

Диссертациянинг 3-боби “**XIX – XX аср бошларида Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг шаҳарсозлиги**” деб номланиб, унда Чор Россияси ва Собиқ Советлар даврида шаҳарларнинг ўзига хос жиҳатлари, шаҳарлардаги

72 Костенко Л. Путешествие в Бухару русской мисси в 1870. СПб. 1871. –стр. 16-18.; Шоисоев И.К. Мирзачўл архитектурасининг вужудга келиш ва тараққий этиш жараёнлари. Арх.бўй.фал.д. диссертация ва автореферати. Тошкент. 2021. 90-б.

73 Массон М.Е. Проблема изучения цистерн-сардоба. Вып.8. Ташкент. 1935. –стр. 16.;

умумийлик ва хусусийлик жиҳатлари, шаҳарларнинг ривожланиши каби масалалар кўриб чиқилган.

Мазкур бобнинг “XIX асрда ўрта аср шаҳарлари” деб номланган биринчи бўлимда ҳудуднинг XIX асрда ўрта асрда шаклланган шаҳарлари таҳлил қилинади. Тахминан уч бурчак шаклида бўлган Мирзачўл бир миллион гектардан ортиқ жуда кенг ер майдонидан иборатдир. Мирзачўл кенг текисликлардан иборат бўлиб, у бу жиҳатдан Марказий Осиёнинг бошқа жойларига қараганда афзалликларга егадир, чунки Марказий Осиёнинг ҳеч қаерида суғориладиган, деҳқончилик учун қулай бўлган бундай табиий кенг ер майдони бошқа учрамайди.

Иккинчи бобнинг “Россиянинг Мирзачўлда олиб борган шаҳарсозлик сиёсати” деб номланган иккинчи бўлимида Мирзачўлда рус қишлоқларининг шаклланиши ва ривожланиши борасида сўз боради. 1906 йилда Россиянинг Сибир ҳудудидан 16 оилани Духовский қишлоғи яқинига жойлаштирилади ва ушбу аҳоли учун ер майдонларини ажратиб берилади.⁷⁴

В.Ф. Караваев «Олтин Ўрда» разъезди, «Голодная Степь» станцияси ва «Черняево» станциялари ёнида ташкил топган қишлоқлар ҳақида тўхталиб, уларнинг қачон ташкил топганлиги ҳақида маълумот бермаган⁷⁵. Мирзачўл тарихига тегишли архив ҳужжатлари ва матбуот материаллари асосида дастлабки рус қишлоқларининг ташкил топиши санасини А.В. Станишевский қуйидагича келтиради: «Надеждинский» (1886), «Романовский» (1887), «Николаевский» (1891), «Обетованный» ва «Верхний Волинский» (1896), «Конногвардейский» (1897), «Духовский» (1898), «Спасский» (1907), «Нахаловка» (1909), «Алексеевский» (1913)⁷⁶. Ушбу рус қишлоқларини қуйидаги 5-илова асосида кўриб ўтамыз.

| № | Qishloq nomlari | Tashkil etilgan sanasi | | |
|----|-----------------------------|--------------------------------|-----------------------------|-----------------------------|
| | | I.Z. Odishelidze ⁷⁰ | N.S. Likoshin ⁷¹ | V.F. Karavaev ⁷² |
| 1 | Nikolaevskiy | 1893 | 1898 | 1891 |
| 2 | Konnogvardeyskiy | 1897 | 1897 | 1897 |
| 3 | Romanovskiy | 1885 | 1899 | 1887 |
| 4 | Nadejdinskiy | 1885 | 1886 | 1886 |
| 5 | Obetovanniy | 1895 | 1895 | 1888 |
| 6 | Verxniy Volinskiy | 1897 | 1897 | 1896 |
| 7 | Nijniy Volinskiy | 1889 | 1897 | 1897 |
| 8 | Spasskiy | 1906 | 1906 | 1906 |
| 9 | Duxovskiy | 1901 | - | 1898 |
| 10 | Ahmonqul | 1909 | - | 1908 |
| 11 | Zaporojskiy | - | - | 1885 |
| 12 | Sirdarinskiy (Naxalovka) | - | - | 1908 |
| 13 | Samsanov | - | - | 1913 |
| 14 | Veliko Alekseevskiy | - | - | 1913 |

Мирзачўлда рус қишлоқларининг ташкил топиши саналари тўғрисида маълумот И.З. Одишелидзе, Н.С. Ликошин ва В.Ф. Караваевлар турлича келтириб ўтишган.

74 Газ. «Туркестанские ведомости», М 119, 6. VIII. 1906, с. 733

75 Караваев В.Ф. Голодная Степь въ ея прошлому и настоящем. Статистико-экономическш очеркъ. -Спб.: Типо-Литографм Н.Л. Наръекина, 1914. К-121. Стр.11.

76 Станищевский А.В. Голодная степь. 1867-1917. История края в документах. М.: Наука. 1981. Стр 198-214.

1903 йилда Мирзачўл ҳудудида 2 волостини ташкил қилади: Сават ва Иржарский. Волостлар орасидаги чегара император Николай II нинг канали бўлиб, ғарбда Сават волости ва шарқда Иржар жойлашган. Совет волости ўзбек-қаробчи уруғ қабилаларидан ташкил топган: Туркман, Қўштамғали, Уяс, Парчаюз, Ача-майли, Баёвут, Етти уруғ қабилаларидан ташкил топган⁷⁷. Мирзачўл ҳудудидаги 1891-1913 йиллар орасида тузилган рус кишлоклари ҳақида дастлабки маълумотларни В.Ф. Караваевнинг очеркидан танишиш мумкин. Ушбу очеркда вужудга келган дастлабки рус кишлоқларининг сони 14 та келтирилган бўлса, рус сайёҳи И.З. Одишелидзе дастлабки 10 та кишлоқ бўйича, Н.С. Ликошин 8 та кишлоқлар бўйича дастлабки маълумотларни аниқлаштириб кўрсатади.

Чор Россия ҳукумати даврида Мирзачўлда ҳудуддаги унумдор ерларни ўзлаштириш ва пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида олиб борган бир қанча тадқиқот ишлари мавжуддир. Чор Россия ҳукуматининг харбий топограф Г.А. Аминов бошчилигидаги тадқиқотчилар Мирзачўлнинг Бекобод, Нау, Ура-Теппа ҳудудларида дастлабки баҳор ва ёз ойларида яъни 1867 йилда ҳудуднинг топографик планини ўрганиш бўйича тадқиқот ишларини олиб боришган⁷⁸. Харбий топограф Г.А. Аминовнинг фикрига кўра дастлаб тадқиқотда қизиқарли ҳеч нарсаларни кўрмаганлиги, аммо, “ҳудудда тўлиқ йўқолмаган турар-жой белгилари, эски бинолар харобаларида, ташландиқ екин майдонлари белгилари ва энг муҳими, қадимги сув қувурлари изларида ётарди” деб хотирлайди⁷⁹. Тадқиқотчининг фикрига кўра Мирзачўл ҳудуди ўша вақтда учбурчак шаклда бўлиб, майдони 6 147 км² эканлигини байён қилади.

Ўрта Осиё Чор Россия томонидан босиб олинган, бу ерлардаги бойлик манбаларига қизиқиш ортди. Мирзачўлга бўлган асосий эътибор бундай кенг, серқуёш жойда пахта саноатини кенгайтириш бўлган. Шундай экан, уларнинг олдидаги биринчи долзарб масалалардан бири бу ерларни ўзлаштириш ва ирригатсия тизимини яхшилаш муаммоси эди.

Ҳозирги Сирдарё вилоятининг Сирдарё тумани Чиноз тракти “Малик” совхозидаги почта бекатига яқин жойдан мавжуд қудуқ атрофидан 100 сотих ер майдонини ажратиб бериш ва ушбу ҳудудга дарахт екиб, бекат ташкил қилиш мақсадида ёзган мактуби асосида истеъфодаги полковник А.Жемчужников томонидан 1870 йилда Туркистон генерал-губернаторига ёзган мактуби бўйича тадқиқотчи А.В. Станишевский “Малик” совхозидаги қудуқлар ҳақида тўхталиб ўтади⁸⁰.

XIX асрга қадар Мирзачўл Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида баҳсли ҳудуд ҳисобланган. Туркистон Россия империяси томонидан босиб олинган, бу ҳудуд дастлаб Туркистон генерал – губернаторлиги Фарғона вилояти Хўжанд уезди, 1886 йилдан эътиборан Самарқанд вилояти таркибига кирган. Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлар Советининг 1918 йил 4 июлдаги қарорига кўра, Хўжанд уезди Ержар, Уралск, Совет волостлари ва Жиззах уездининг Кўк-тепа волостини бир қисми ҳудудларидан мустақил

77 ЦГА УзССР, ф. И-7, оп. 1, д. 2608, л. 141—147 об.

78 Станишевский А.В. Голодная степь 1867-1917. История края в документах. Москва. Наука. 1981. –стр. 197.

79 Станишевский А.В. Голодная степь 1867-1917. История края в документах. Москва. Наука. 1981. –стр. 6.

80 ЦГА УзССР. Ф. И-1. Оп. 14. Дело 38. Лист -1.

“Голодно степ” уезди ташкил топган, 1922 йилдан Мирзачўл деб қайта номланган⁸¹. Уезд таркиби Романовский, Спасский, Сир-Даринский, Ержар, Черняевская, Славянская, Беговот волостларидан иборат бўлган⁸².

Шу билан бир қаторда “Туркестанские ведомости” газетасининг 1873 йилдаги №13 сонида эълон қилинган Мирзачўл худудини ўзлаштириш, лалмикор худудларга рус аҳоли пунктларини жойлаштириш мумкин бўлган жуда кўп ерлар мавжудлиги бўйича маълумот берилади. Бундан кўриниб турибдики, Мирзачўл худудида рус қишлоқларининг вужудга келишига сабаб бўлган⁸³. Кейинчалик Н.Иванов томонидан ушбу худудларни мустамлака қилиш ва заводлар эҳтиёжларини маҳаллий маҳсулотлар билан қондириш воситаси сифатида хизмат қилиши керак деган жумлаларни қайд этади⁸⁴.

Бобнинг “Россиянинг Мирзачўлда олиб борган ирригатсия сиёсати” деб номланган учинчи бўлимида худуднинг ирригатсия тизимлари бўйича сўз боради. Мирзачўлга рус аҳолисининг кўчиб келишининг асосий сабабларидан бири, бу ерда амалга оширилган ирригатсия ишлари бўлиб, суғориш тармоқларини барпо этиш мақсадида дастлабки рус қишлоқлари ташкил этилган. Тўятортар, Урумбай-Мирза (оғуз) ариқлари излари, бугунги кунга қадар сақланган сардобалар, сайёҳларнинг маълумотлари, кўлёмалар, В.В. Бартолд, В.И. Масалский, К.К. Пален, В.Ф. Караваев, А.Курсиш ва бошқаларнинг асарларида Туркистонда, жумладан Мирзачўлнинг баъзи ерларида қадимги замонларда суғориш ишлари амалга оширилганлиги ҳақида маълумотларни олиши мумкин⁸⁵.

1898 йилда етиштирилган пахта ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Россия давлатига олиб кетишлари учун Мирзачўлда икки магистрал темир йўл линияларини қуриш учун лойиҳаси яратилади.

а) ҳозирги Сирдарё – Жиззах вилоятларидан узунлиги 102,58 верст бўлган, шимоли-шарқдан бутун Мирзачўлни тўғри чизик бўйлаб кесиб ўтади⁸⁶. Ушбу линия магистрал йўналиш ҳисобланган.

б) иккинчи темир йўл линияси жануби-ғарбга ва автомобил йўлидан шимоли-ғарбий томонга чўзилган иккита кириш шохобчаси мавжуд бўлган 31,89 верст узунликдаги линия ҳисобланган. Иккинчи линия даштнинг марказий қисмини кесиб ўтади ва узунлиги тахминан биринчи темир йўл линиясига тенг бўлиши белгилиб қўйилади.

Ушбу темир йўл линиялари худуддаги лалмикор ва суғориладиган ерларга, аҳолига тўлиқ хизмат қилиши белгиланади.

Сирдарё – Жиззах вилоятларидаги жами 500 минг десятина, Тошкент-Красноводск йўналишини 48,42 верста узунликдаги темир йўл линияси яна бошқа мақсадларга хизмат қилиб, кейинчалик мустамлака даврида минтақа бойликларидан

81 Материалы по районированию Узбекистана. Самарканд. 1926. Вып.1. -стр. 78.

82 Материалы Всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения Туркестанской Республике. Поселенные итоги. Поселенные итоги Сыр-Дарьинской области. Т.Изд. ЦСУ Туркеспублики, 1923. Вып. III. –стр. 5-6.

83 “Туркестанские ведомости” газетасининг 1873 йилдаги №13. 27.III.1873. 51-б.

84 “Туркестанские ведомости” газетасининг 1873 йилдаги №13. 27.III.1873. 51-б.

85 Шоисоев И.К. Мирзачўл архитектурасининг вужудга келиш ва тараккий этиш жараёнлари. Арх.бўй.фал.д. диссертация ва автореферати. Тошкент. 2021. 94-б.

86 «Туркестанские ведомости», Газета. № 24, 29.1.1917, с.

кенг фойдаланиш имкониятини беради. Даштларни суғориш, қурилиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилиши муносабати билан темир йўл қурилиши икки босқичда тугалланиши кўзда тутилган. Аввало, темир йўлнинг шимоли-ғарбий шохобчаси ва кейинги бекатдан автомагистралнинг бир қисми Сирдарё ва шимолий каналга қаратиб қурилишини кўзланади. Бу линияларнинг умумий узунлиги 49,57 верст, станция йўллари эса 16,15 верстга этказилади.

Россия империяси Мирзачўлда пахта плантатсияларини янада кенгайтириш мақсадида бошқа ҳудудлардан аҳолини кўчиришни бошлайди ва “кўчириш бошқармаси” бюросини ташкил етиб, унинг зиммасига аҳолини кўчиришни тартибга солиш юкланди. Мирзачўлга кўчиб келаётган аҳолини жойлаштириш, уларни уй-жой билан таъминлаш, уй-жой қурилиши режасини ўз вақтида бажарилишига эришиш долзарб масала бўлиб қолади. Чор Россия Мирзачўл ҳудудини ўзлаштириш ва аҳолини кўчириб олиб келишларидан олдин ҳам ҳудудда Қўқон-Қаробчи, Туркман, Найман, Қўштамғали, Уяз, Парчаюз, Ачамайли, Тентак овул, Боёвут ва Етти уруғ сингари маҳаллий овулларида аҳоли истиқомад қилишганлигини кўриш мумкин.

Чор Россия ҳукумати Мирзачўл ҳудудидага далаларни суғориш мақсадида ирригатсия тадбирларини ҳам олиб боришади. Ҳудудга олиб кирилган ариқлардаги сувлардан бесамар фойдаланганлиги сабабли Мирзачўл ҳудуд ерлари шўрлана бошлайди. Бунинг олдини олиш мақсадида ҳудудда оқиб кетувчи сувлар учун коллектор ариқлар қазилади. Чор Россия ҳукумати ўзлаштирилган ерлардан кўпроқ фойда олишлари кераклиги сабабли ҳудудда 1918 йилларда йирик ^{давлат хўжалиги} савхозларни ташкил етишни режалаштиришади. Мирзачўлда 1930 йилга келиб 30 дан ортиқ савхоз ва колхозлар тузилганлигини кўриш мумкин.

Диссертациянинг 4-боби **“Сирдарё ва Жиззах вилоятлари замонавий архитектураси”** деб номланган. Ушбу бобда Собиқ совет иттифоқи ва мустақиллик йилларида шаҳарларнинг ривожланиш моделлари, янги шаҳарларнинг шаклланиш жараёнлари, Мирзачўл ҳудудида меъморчилик ва ирригатсия тадбирлари кўриб чиқилган.

“Совет даври ҳукумати даврида Мирзачўл ҳудудида меъморчилик ва ирригатсия тадбирлари” деб номланган биринчи бобда совет даврида Мирзачўл ҳудудида ривожланган совхоз ва колхозларнинг шаклланиш босқичлари борасида сўз боради. 1992 йилда Хитой давлати элчиси Чжан Сзиндан Сирдарё вилоятига келган вақтларда тарихий Мирзачул ҳудуди бўйича тарихий маълумотлар билан таниш бўлганлиги сабабли шундай фикрларни билдиради: «Мирзачўлга сафарим хотирамда умрбод сақланиб қолади. Мен бу ерда инсон боласи қандай мўжизалар яратаётганига жонли гувоҳ бўлдим» деб фиклари билан ўртоқлашади⁸⁷.

Мирзачўл ҳудудидаги ҳозирги Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг меҳнаткашлари чўлни ўзлаштиришдек олижаноб ишга киришилганлигида сал кам бир асирлик йўлни босиб ўтганлигини кўриш мумкин.

Бутун Совет даври ҳукумати ҳудудида аҳоли яшаш даражасини яхшилаш ва ўзлаштирилмаган ҳудудларни ўзлаштириш мақсадида совхоз ва колхозларнинг

87 Лу Фун Тянь. Покорение Голодной степи, "Узбекистан", Тошкент, 1980.

тузилганлигини кўриш мумкин⁸⁸. Сирдарё вилоятидаги мавжуд вилоят маркази ва бир қанча шаҳар, туман ва қишлоқларининг мажозий маънода Совет даврида шаклланган дейиш мумкин. Ушбу ривожланиш даврида Совет иттифоқи ҳудуддан фойдали қазилмаларини олиб чиқиб кетиши асносида меҳнаткаш ҳудуд аҳолисининг матонатли меҳнати евазига Гулистон шаҳри, Сирдарё, Бахт, Янгиер, Боёвут, Гулистон ва шу сингари шаҳар ва туманлар вужудга келганлигини кўриш мумкин.

СССР ҳудудида биринчи тўрт қаватли, рамкали панелли уй 1948 йилда Москва шаҳрида қурилган бўлиб, кейинчали Бутуниттифоқ ҳудудида бўлгани сингари Гулистон, Ширин, Янгиер, Бекобод шаҳарларида ҳам бунёд этилди. Бунга ўша вақтларда мамлакат раҳбарияти қурувчи ва лойиҳачилар олдида оилавий турар-жой имконияти (яъни, коммунал тартиб эмас, балки алоҳида квартиралари) бўлган энг арзон турар-жой биноси лойиҳасини яратиш вазифасини қўйгани сабаб бўлган. Ушбу вазифанинг биринчи босқичи юк кўтарувчи рамкали саноат панелли уй-жой қурилиши ғоясини жорий қилиш эди. Типологик жиҳатдан бир бўлган турар-уйларининг ташқи фасад қисмлари ҳудуднинг маданияти болан боғлиқ ҳолда безатилганлигини кўриш мумкин. Мисол тариқасида Гулистон, Ширин, Янгиер, Бекобод шаҳарларида бунёд этилган турар-уйларнинг ташқи фасад қисмлари миллий пахта, деҳқончилик, боғдорчилик наъмуналаридан фойдаланиб безатилар эди. 1940-йилларнинг охирида Хрушчевнинг “Архитектура ва қурилишдаги ортиқча нарсаларни йўқ қилиш тўғрисида”ги тарихий фармонидан сўнг турар-уйлар архитектурасининг ташқи кўринишдаги кўзга кўринадиган томони, катта ортиқча нарсалар билан тўлдирилган” ва Совет иттифоқи архитектураси ўзининг соддалиги, шаклларнинг қатъийлиги ва ечимларнинг иқтисодий самарадорлиги билан ажралиб туриши керак” деган фикрлар оммалашишига олиб келди.

“1950-1990 йилларда Мирзачўл шаҳарсозлиги ва ирригация тизими” деб номланган иккинчи бўлимда ҳудуд урбанизациясининг шаклланиши ва кўчирувчилик сиёсати борасида сўз боради. Шу билан бир қаторда янги қуриладиган турар-уйларининг ғоявий ва илмий асосланиши қуйидаги маънода тушунтирилади:

-коммунал квартира Совет ҳукуматининг лойиҳаси эмас, балки саноатлаштириш даврида харажатларни тежаш натижасидир;

-коммунал квартиралар - замонавий талабларга жавоб бермайдиган иқтисодий жиҳатдан норентабел уй-жой тури ҳисобланган;

Умуман олганда Мирзачўл минтақаси нисбатан қулай иқтисодий географик ўрни, меҳнат ресурслари, инфратузилма, қурилиш ва электр-энергия каби соҳалар бўйича ҳозирги кунда республикада етакчилик қилмоқда. Мамлакат меҳнат тақсимотида ушбу ҳудуд, аграриндустриал йўналишга эга бўлиб, аҳоли сони кўп бўлмаган, шаҳарларнинг шаклланиши унча тараққий етмаган иқтисодий макон ҳисобланди. Сирдарё иқтисодий

88 Oqilov H. Guliston O'zbekiston Kompartiyasi Markaziy komitetining oylik ijtimoiy-siyosiy, adabiy-badiiy jurnali. №11. (381). 1981. Noyabr. 11-b.

худудининг урбанистик - пирамидаси жуда суст ривожланган ва унинг поғоналари тўлиқ шаклланмади.

Минтақа шаҳар манзилгоҳларининг аксарияти катта магистрал ва темир йўллар яқинида эканлиги саноатни ривожлантиришда қулайлик яратади. Шаҳар манзилгоҳлари саноатининг асосан қишлоқ хўжалигига боғлиқлиги, маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланганлиги узлуксиз равишда хом-ашё билан таъминлаш имконини берди. Айнан шу мақсадда 1957 йилда «бўш» жойда вилоятнинг дастлабки маркази Янгиер шаҳри лойиҳалаштирилган ва барпо этилган. Аммо 1963 йили Сирдарё вилоятининг ташкил этилиши билан Янгиер шаҳри - марказ номини йўқотди ва ушбу ном Гулистон шаҳрига берилди. Аммо, табиий омиллар (Ховос ёки Урсатевск шамоллари) шаҳарнинг ривожланишига тўсқинлик қилди.

1972 йилда худуднинг йирик энергетика базаси, Сирдарё ИЕСи негизда Ширин шаҳри, 1980 йилда транспорт инфратузилмасининг ривожланиши эса Бахт шаҳрининг шаклланишига асос бўлган. Минтақада шаҳар ҳосил қилувчи омиллар таъсирининг кучсизлиги боис катта шаҳарлар бўғини шаклланмаган.

Мазкур худудда шаҳарларнинг вужудга келишидаги ўзига хос жиҳат жойлашган ўрни, транспорт ва бошқа инфратузилма тизимининг ривожланганлиги, энергетика ва қурилиш базасининг мавжудлиги каби омиллар билан белгиланди.

Вилоятда бирорта катта, яъни - юзминглик шаҳар йўқ ва бу борада у республикамиз геосиёсий тизимида ягона ҳисобланади. Ҳатто вилоят маркази ҳам бу даражага етиша олмаган.

Жумладан, қурилиш материаллари ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш (Янгиер), пахта тозалаш (қишлоқ туманлари марказларида), ёғ ишлаб чиқариш (Гулистон шаҳри) кабилар айнан шу етакчи тармоқ билан биргаликда алоҳида ишлаб чиқариш мажмуасини шакллантиради.

Тўртинчи бобнинг “1990-2010 йилларда Мирзачўлнинг меъморчилик, шаҳарсозлик ва ирригатсия тизими” деб номланган учинчи бўлимида мустақиллик йилларида Мирзачўлнинг меъморчилик, шаҳарсозлик ва ирригатсия тизимлари таҳлил қилинади.

Мустақиллик йилларида Сирдарё вилоят таркибига Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сирдарё, Ховос, Сардоба сингари 8 та туман, Гулистон, Бахт, Сирдарё, Ширин, Янгиер каби 5 та шаҳар, Боёвут, Деҳқонобод, Дўстлик, Пахтаобод, Сайхун, Ховос сингари 6 шаҳарча ва 75 қишлоқ фуқаролари йиғини мавжуддир⁸⁹. Сирдарё вилояти маркази - Гулистон шаҳри хисобланади.

Мустақиллик йилларида Гулистон шаҳрининг кириш қисмида бунёд этилган соғломлаштириш ва спорт маркази “Алпомиш” саройи 1999 йилда архитекторлар Р.Ёқубов, Г.Нефедов, Р.Магай, С.Абдурахмоновлар томонидан лойиҳаланганлигини кўриш мумкинки Гулистон шаҳрига кириш йўналишидаги энг муҳим композицион объект хисобланади. Умумий ер майдони 2,5 гектарга яқин бўлиб унинг бош фасади шимолга, яъни Гулистон кўчасига қаратилган. Марказий қисмида асосий ўйин майдони жойлашиб,

89 [https://uz.wikipedia.org/wiki/Sirdaryo_\(viloyat\)](https://uz.wikipedia.org/wiki/Sirdaryo_(viloyat))

унинг чап қисмида ёпиқ теннис корти, ўнг қисмида эса енгил атлетика манежи ва офис мажмуи бунёд этилган.

1999 йилда Гулистон шаҳрида Тошкент-Душанбе йўналиши бўйлаб “Улгурчи бозор” қурилиб, ўзининг йўл устида жойлашиши ва моҳияти билан тадбиркорларга катта хизмат қилмоқда. Меъморлар А.Саакян, С.Азизов, С.Абдурахмоновлар ҳисобланади. Умумий ер майдони 4,5 гектардан иборат бу бозор монументал кўринишга эга. Унинг марказий қисмида ёпиқ савдо зали бўлиб, томи лександан ишланган яримсфера гумбаз билан қопланган. Савдотик ҳоналари эса бош фасади бўйлаб жойлаштирилган. “Улгурчи бозор” га уч пештоқ орқали кирилади.

Сирдарё вилоят ҳудудидан “Тошкент-Термиз” Катта Ўзбек Тракти ўтганлиги асосий омил десак муболага бўлмайди. Мустақиллик йилларида вилоятда қурилиш, шаҳар ва қишлоқларнинг ободонлаштириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Вилоятдаги Мустақиллик бош майдонининг реконструкцияси, Хотира майдони, Марказий ва тижорат банклари бинолари, биржа ва бизнес марказлари, “Маънавият ва маърифат” маркази, “Кемпинг” типдаги мажмуа, замонавий вокзал, кўп қаватли турар-жой бинолари, “Алпомиш” спорт саройи, бокс саройи, марказий ўйингоҳ, сузиш ҳавзаси ва бошқа спорт комплекслари бунёд этилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда қурилиш соҳаси иқтисодиётимизнинг асосий драйверига айланди. Охириги йилларда мамлакатимиз бўйлаб олиб борилаётган қирилиш ишлари аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурилди. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш асосий вазифа қилиб белгиланмоқда. Ҳозирда “Янги Ўзбекистон” массивлари бу бир вақтнинг ўзида аҳоли ижтимоий соҳа объектлари, зарур инфратузилмага эга катта майдондаги турар жой мажмуасидир. Бундай масканларда яшайдиган аҳоли ўз манзилдан узоқлашмаган ҳолда, ишлаш ва барча турдаги ижтимоий соҳалардан фойдаланадилар. Бир сўз билан айтганда шаҳар ичидаги кичик шаҳар. Бундай масканларни ҳозирда юртимизнинг ҳар бир гўшасида учратиш мумкин.

Бобнинг “Ўрганилаётган ҳудудда жойлашган тарихий, меъморий ёдгорликларни сақлаш бўйича таклифлар” деб номланган сўнгги бўлимида ҳудуддаги мавжуд архитектура, археология, диққатга сазовор масканларни сақлаш бўйича бир қанча таклифлар борасида сўз боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Маданий мерос агентлигининг қайта ташкил қилиниши, ушбу соҳага берилаётган эътиборнинг яққол намунасидир. Ҳозирги Сирдарё вилоятида 78 та турли манзиллар маданий мерос объектлари рўйхатига киритилган. Жумладан, 18 таси археология, 15 таси архитектура, 41 таси монументал ва 4 таси диққатга сазовор жойлар маданий мерос объектлари ҳисобланади. Уларнинг барчаси Республика аҳамиятига эга объектлардир ва давлат мулки ҳисобланади.

Бугунги кунда мазкур моддий маданий мерос объектларининг 74 таси (95 фоизи) кадастр ҳужжатлари Давлат кадастр палатаси вилоят бошқармаси томонидан расмийлаштирилган. Уларнинг 40 тасига (51 фоизи) муҳофаза белгиси ўрнатилган бўлиб, қолган 38 та (49 фоизи) объектга муҳофаза белгилари ўрнатиш юзасидан ишлар амалга оширилмоқда. Кадастр ҳужжати мавжуд объектларга жамоатчи инспекторлар бириктирилган. Объектларнинг

ўнтасига Wi-Fi ва битта объектга электрон ҳисоблаш учун турникет мосламаси ўрнатилган.

2021 йил давомида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида республика бюджетидан 1 миллиард 483 миллион сўм маблағи ажратилиб, 2 та маданий мерос объектида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, ўтган йили яна 10 та объект Республика Мадааний мерос рўйхатига олиш учун Мадааний мерос агентлиги Илмий-эксперт Кенгашига киритилди.

2021 йил якуни билан таъмирталаб ва яроқсиз ҳолга келиб қолган 30 та объектнинг илмий-техник ҳолати ўрганилиб, ушбу ёдгорликлар 2022-йилда асрашга доир ишлар амалга ошириладиган объектлар рўйхатига киритилди.

Бундан ташқари, соҳани янада ривожлантириш, вилоятнинг туристик салоҳиятини оширин мақсадида муҳим вазифалар белгиланган. Биргина, 2022 йилда 78 та маданий мерос объектни тўлиқ экспертизадан ўтказиш ишлари якунига етказилади. Таъмирталаб ҳолга келиб қолган 17 та маданий мерос объектида белгиланган тартибда асрашга доир ишлар амалга оширилади. Вилоятдаги 4 та объект, яъни Гулистон шаҳридаги Черняйев собиқ уйи ва Алексейев биноси ҳамда Гулистон туманида жойлашган Рамановлар собиқ черкови ва Отлиқ аскар қароргоҳи биносининг бўш турган жойлари тадбиркорларга ижарага берилади. 34 та объектга муҳофаза белгилари ўрнатилади. Вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи тўлиқ хатловдан ўтказилиб, экспозитсияси янгиланганлигини кўриш мумкин.

Меъморий обидаларнинг бузилиш сабабларини асосан икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) Ички сабаблар, яъни обида конструкциясининг азалдан нобоблиги (пойдеворнинг саёзлиги, унинг бино ҳажим-фазовий ўлчамларига муносиб эмаслигига ҳ.к.);

б) Ташқи сабаблар, яъни назарда тутилмаган сабаблар. Диссертацияда ҳар иккала гуруҳ сабаблари аниқ баён қилиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишлари ўз вақтига қараб турлича назарияга эга бўлган. Таъмирчи-меъморлар ҳам ўз услубларига эга бўлган. Шундай экан бу услубларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳозирги кунда долзарб аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

“Шимолий Уструшонанинг қадимги ва замонавий архитектурасига хос анъаналари” мавзусидаги диссертатсияси бўйича олиб борилган тадқиқот иши доирасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Сирдарё воҳасининг вужудга келиш механизми ва тараққиёт тизими Ўрта Осиё ҳудудидаги урбанизатсия шаклланишининг умумий қонуниятлари билан боғлиқдир. Бу борада, қадимги микро ҳудудларнинг режалаштирилган янги ҳудудлари, ривожланишнинг тарихий жараёнини англашга, шунингдек, уларнинг ўзаро ва атрофидаги шимоли-ғарбий қисмида жойлашган қабилалар

иттифоқи, жануб ва жанубий-ғарбдаги давлатлар билан алоқаси ривожига олиб келган.

2. Энг йирик ва ҳозиргача ўрганилаётган ёдгорлик, бу – кўхна Нуртепа шаҳри ҳисобланади. Ундаги қазилма ишлари шуни кўрсатадики, бу ерда македонлар келишидан аввал шаҳар типидagi манзилгоҳ шаклланиб бўлган. Чунки унда мудофаа иншоотлари, шинакли пахса деворлар, хўжалик аломатлари яққол кўзга ташланади. Манзилгоҳларда инсонлар ўзларини ёввойи ҳайвонлардан, ташқи душманлардан ҳимоя воситаси сифатида пахса деворлар, кўрғонлар қурганлар. Бу еса қадимги Уструшонада ҳаёт қадимдан ривожланганлигини кўрсатади.

3. Ўрганилаётган ҳудуднинг қадимги жамоалар томонидан ўзлаштирилиши, илк қишлоқ ва шаҳарларнинг вужудга келиши, ерларнинг ўзлаштирилишида ўлканинг географик шароити, иқлими, сув таъминоти, ерларининг лалмикорлиги муҳим аҳамият касб етган.

4. Собиқ Советлар даврида Мирзачўл ҳудудида 12 та рус қишлоқлари таркибида ҳозирги Гулистон, Гулистон тумани, Сирдарё, Бахт каби шаҳарлар вужудга келганлигини кўриш мумкин.

5. Мирзачўл ҳудудида жойлашган қадимий турар уйларнинг ҳажмий-композитсион ечимида айвонлар муҳим ўринга эга бўлганлиги, улар кўпроқ шимолга қаратилганлиги ҳамда айвонлар бир устунли эканлиги, турар-уйларнинг том ёпмаларида маҳаллий қурилиш ҳомашёларида қамиш, лох ўсимлиги, сомонли лойдан фойдаланилганлиги асосланган;

6. Сирдарё вилоятида туристик ресурсларнинг ҳудудий тақсимланишига қараб: Сирдарё дарёси ва унинг ҳавза ресурслари (Боёвут, Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё), археологик туризм ресурслари (Оқолтин, Сардоба, Ховос, Боёвут, Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё Гулистон ш.), тарихий туризм ресурслари (Сирдарё Гулистон, Сардоба, Ховос, Гулистон ш.) ва диний туризм ресурслари (Ховос) каби турлари ажратилган харита-каталог вариантлари ишлаб чиқилган.

7. Собиқ совет иттифоқи даврида руслар кириб келиши билан аҳоли уй-жойлари асосан рус архитектураси мужассамлаштирган усулларда қурила бошлаган. Шаҳарларда эса типик, режалари бир хил бўлган уйлар қурила бошланган.

8. Шундай қилиб Шимолий Уструшонанинг қадимги архитектураси ва шаҳарсозлиги ушбу ҳудуд табиий иқлим шароити, географияси ва аҳолининг яшаш, турмуш шароити, касб-кори, яшаш масканларини ҳимоялаш эҳтиёжлари асосида шаклланган бўлса, ушбу ҳудуднинг замонавий архитектураси ва шаҳарсозлиги эса дастлаб Чор Россияси рус корчолонлари мустамлакачилик ва ҳудуддан иқтисодий фойдаланиш сиёсатлари асосида шаклланди, кейинчалик собиқ иттифоқи даврида иттифоқда тўқимачилик мануфактураси соҳаси эҳтиёжларини қондириш ва уй-жойлар қуриш сиёсати асосида шаклланди. Мирзачўл архитектурасига хос анъаналар ҳам айнан ана шу сиёсатлар мафкурасининг таъсири катта бўлди.

9. Диссертацияда Уструшонанинг қадимги давр архитектурасига хос қуйидагилар аниқланди:

- шароитдан келиб чиқган ҳолда, мураккаб қурилиш режаси асосида барпо этилган қалъалар ва уларнинг атрофини қудратли муҳофаа деворлари билан ўралганлиги: мухташам заллар, ётоқхоналар, маҳсус ибодат уйлари, хўжалик хоналари, тароқсимон каридорлари мавжуд бўлган (Чилхужра, Эски Ховос);

- мураккаб бўлмаган қурилиш режаси (тароқсимон- каридор тизимли);
- мураккаб бўлмаган қурилиш режаси (хоналари асосан ичма-ич ҳолатда);

- турар-уйлар асосан текислик ҳудудларида хом ғиштдан, паҳсадан, паҳса ва ғишт қаторлари алмаштирилиб қурама ҳолатда қурилган (Пардакултепа);

- тоғли ҳудудларда асосан қурилиш материаллари тош, ёғоч материаллари ишлатилганлигини кўриш мумкин.

- турар-уйлар асосан текислик ҳудудларида хом ғиштдан, паҳсадан, паҳса ва ғишт қаторлари алмаштирилиб “пардоз қирма” усулида қурилган (Пардакултепа);

10. Мирзачўлнинг замонавий архитектурасига хос анъаналар куйидагилардан иборат:

- ҳудудда шамолнинг кучли эсиши ва ёнғиргарчиликнинг шарқий тарафдан ёғиши сабабли аҳоли турар-уйлар типологияси бўйича шарқий, жанубий-шарқий ҳудудларига тескари ҳолатда қурилганлиги;

- Мирзачўл ҳудудида жойлашган қадимий турар уйларнинг ҳажмий-композицион ечимида айвонлар муҳим ўринга эга бўлганлиги;

- турар-уйлар кўпроқ шимолга қаратилганлиги ҳамда айвонлар бир устунли бўлганлиги;

- турар-уйларининг том ёпмаларида маҳаллий қурилиш ҳомашёларидан камиш, лох ўсимлиги, сомонли лойдан фойдаланилган.

11. 1991 йилдан шаҳарсозликда тузилиш жиҳатдан катта ўзгаришлар бошланди. Шаҳарнинг қайта режалаштириш методикаси ўзгарди, унда, биринчи даражада, тезюлар айланма йўллар ўтказиш йўли билан транспорт тармоғининг қайта тикланиши муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарнинг марказий ҳудудларида кенг кўламда қурилиш ишлари амалга оширилган, у ерда кам қийматли объектларни бузиш йўли билан замонавий архитектура мажмуалари барпо қилинган. Парклар, хиёбонларни ўз ичига олган кўкаламзорлар шаҳар тузилишида муҳим ўрин эгаллаган.

12. Диссертацияда Сирдарё вилояти маданий мерос объектларининг тўлиқ харита каталоги, Эски Ховос тарихий шаҳри, Мирзарабод тими ва сардобаси, Якка сардоба ёдгорликларининг график реконструкциялари ҳамда Сирдарё вилоятидаги меъморий ва маданий ёдгорликлар бўйича ишлаб чиқилган туристик маршрут таклиф этилган.

13. Тўпланган фактологик материаллар ва тадқиқот маълумотларини Сирдарё вилоятининг қадимги шаҳарлари, қалъа ва кўрғонлари, алоҳида бино ва иншоотларини Адобе Иллюстратор, 3Д Мах, Сорел Драв каби замонавий компютер дастурларида график реконструкция қилиш орқали амалиётга кенг тадбиқ этиш тавсия этилган.

14. Сирдарё вилоятидаги ўлкашунослик музейини қадимги, ўрта аср, Чор Россияси даври ва Мустақиллик йилларига оид эспонатлар билан бойитиш орқали вилоят тарихини чуқур ўрганишни ташкил этиш тавсия этилган.

15. Мазкур иш Ўзбекистоннинг қадимги давр меъморчилиги билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларида, илмий монографияларни яратишда, ўқув қўлланмалар ва маърузаларда, шунингдек, бизгача сақланмаган қадимги давр бино ва иншоотларини график реконструкция қилишда зарур манба сифатида хизмат қилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/08.04.2024.A.11.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ШОИСОЕВ ИЗАТУЛЛО КЕНЖАЕВИЧ

**ТРАДИЦИИ ХАРАКТЕРНЫЕ ДЛЯ ДРЕВНЕЙ И СОВРЕМЕННОЙ
АРХИТЕКТУРЫ СЕВЕРНОЙ УСТРУШАНЫ**

**18.00.01. – Теория и история архитектуры.
Реставрация и реконструкция памятников архитектуры**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА АРХИТЕКТУРЫ (DSc)**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора наук (DSc) по архитектуре зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан на B2022.2.DSc /A16

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном университете.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (русском, узбекском, английском (резюме) размещен на веб-странице по адресу (<http://www.taqi.uz/interactive-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ihthislashgan-kengashlar.avtoref.html>) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Маматмусаев Тохир Шайдулович
доктор архитектурных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ведущая организация:

Защита диссертации состоится «___» _____ 2025 года в «___» часов на заседании Научного совета PhD.03/08.05.2024.A.11.02 при Ташкентском архитектурно-строительном институте. (Адрес: 100011, город Ташкент, Юнусабадский район улица Янги шахар, дом 9. Большой зал заседаний. Тел.: (99871) 241-80+02, факс: (99871) 241-80-02, Web: www.taqu.uz; Э-маил: devon@taqu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного университета (зарегистрирована за №___). Адрес: 100011, город Ташкент, улица маленькая кольцевая дорога, дом 7. Тел.: +99871 234-60-16.

Автореферат диссертации был разослан «___» _____ 2025 года.
(протокол реестра рассылки №___ от «___» _____ 2025 года).

Б.А. Аскарлов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

Ш.С. Рейимбаев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор архитектуры, доцент

М.С. Усманов

Председатель Научного семинара при Ученом совете по присуждению ученых степеней, кандидат архитектуры, доцент

ВВЕДЕНИЕ (Автореферат докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня сохранение, реставрация и охрана памятников архитектуры исторических городов на международной арене имеет важное значение для повышения туристического потенциала региона. В мире становится актуальным поиск эффективных путей охраны культурного и архитектурного наследия, защиты исторических городов и их широкого использования в сфере туризма. По этому поводу в развитых странах в отрасли с помощью инновационных технологий проводятся музеефикация памятников и стремительными темпами развивается их виртуальные модели. Необходимость в реставрации существующих памятников архитектуры, сохранения, консервации и воссоздания археологических объектов показывает о пристальном внимании мировых ученых.

